БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 231 (17.215). ● 8 октябрь 1978 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ КУНИ

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Қува районидаги Охунбобоев номли колхоз далаларида терим агрегатлари тинимсиз ишлаб турибди. Механизаторлар қулай фурсатни бой бермай суръатни жадаллаштирмоқдалар. Механизатор Б. Ортиқов бу йил 370 тонна пахта териш мажбуриятини олган. У кунига 10-12 тонна пахта териб маррага яқинлашяпти.

ШУ КУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз далаларида 9 та терим-транспорт отряди ишлаб турибди. 103 «зангори кема» экипажи пахта теримини олиб боряпти. Ҳосилнинг 90 проценти машиналар ёрдамида териб олинади. Суратда: бригадир Абдусалом Абдуллаев ва агроном Абдурашид Абдуллаев пахта сифатини кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев ва И. Хўжаев (ЎзТАГ) фотолари.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР:

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

ЭНГ ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИЯ

МАМЛАКАТИМИЗДА халқ ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган энг ваколатли органи — СССР Олий Советининг навбатдан ташқари VII сессиясида қабул қилинган СССР янги Конституциясининг кучга кириб, амал қила бошлаганига бир йил бўлди.

Янги Конституциямиз Совет давлати тарихидаги бутун конституцион тажрибани умумлаштириб, сўнгги даврда СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда давлат қурилиши соҳасида вужудга келган ҳамма янгиликларни ўзида мужассамлаштирди. Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатлар меҳнаткашларининг манфаатлари ва иродаси тўла ифодаланган қомусимиз совет кишиларининг эксплуатациядан озод меҳнати ижтимоий бойликни кўпайтиришнинг, халқнинг ва ҳар бир совет кишисининг фаровонлигини оширишнинг манбаи эканлигини кўрсатди. Шу тариқа Асосий Қонунда меҳнат аҳлининг обрў-эътибори, қадр-қиммати юқори поғонага кўтарилди.

Совет Конституцияси қўлга киритилган ютуқларни акс эттирибгина қолмай, шу билан бир вақтда жамият тараққиёти йўлларини кўрсатиб беради, социализмнинг коммунизмга ўтиш йўлидан ривожланиш истиқболларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳақли равишда СССР янги Конституциясини коммунизм қурилиши манифести деб атади.

Асосий Қонунга киритилган янгиликларнинг бош йўналиши шундан иборатки, унда социалистик демократия янада ривожлантирилди ва чуқурлаштирилди. Халқ ҳокимияти кенгайтирилди ва мустаҳкамланди, давлат ва жамият ҳаётининг асосий жиҳатларига таъсирини кучайтирди.

Совет халқи социалистик тузум берган имтиёзлар ва афзалликлардан кенг фойдаланиб келмоқда. Бироқ соғлиқни сақлаш, уй-жойли бўлиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш, илмий, техникавий ва бадиий ижодиёт эркинлиги, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда, қонунлар ҳамда умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қарорларни муҳокама қилиш ва қабул этишда иштирок қилиш ҳуқуқи, давлат органлари ва жамоат ташкилотларига таклифлар киритиш ҳуқуқи, уларнинг ишидаги камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқи, оиланинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ҳуқуқи биринчи марта Конституцион ҳуқуқлар даражасига кўтарилдики, бу эса уларнинг социал аҳамиятини янада ошириб юборди. Янги Асосий Қонун шахснинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари қатъий гарантиялашни кўзда тутади. Энг аввало СССР гражданларининг барча ҳуқуқлари ва эркинликлари сиёсий жиҳатдан гарантияланади. Мамлакатимизда ҳокимиятнинг халқ қўлида эканлиги, умумхалқ давлати тузилиши ва фаолиятининг демократик тартиби, гражданларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этишлари учун реал имкониятларнинг яратилганлиги бу гарантиянинг таъминловчи омиллардир.

Ишлаб чиқаришнинг социалистик усули, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида экономикани планли ривожлантириш СССР гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини иқтисодий жиҳатдан гарантиялаб беради. Совет гражданларининг конституцион ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайдиган ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайдиган юридик нормаларнинг йиғиндиси Коммунистик партия раҳнамолигида совет халқи эришган жуда катта иқтисодий ва социал тараққиёт туфайли эришилган ҳамда Конституциямизда ёзиб қўйилган ҳуқуқларни амалга оширишни ҳуқуқий жиҳатдан гарантиялаб беради.

Совет давлатининг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган социал-иқтисодий сиёсати шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун, совет кишилари ўз ижодий кучларини, қобилиятларини сарфлашлари учун барча моддий имкониятларни яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам умумхалқ муҳокамасида ҳар томонлама пухта таҳлил қилинган ва тўлдирилган ҳаётимизнинг Асосий Қонуни кучга кириши меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириб юборди. Унлаб ва юзлаб меҳнат коллективлари СССР Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Республикамизда СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш учун кураш ҳаракати кизгин тус олди. Шу кунларда саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларидан, колхоз ва совхозлардан байрамга тайёрланган меҳнат совғалари тўғрисида рапортлар келмоқда. Совет кишилари Коммунистик партия ва Совет давлатининг ғамхўрлигига, конституцион ҳуқуқларнинг амалга оширилиши туфайли барча шарт-шароит вужудга келтирилганлиги учун халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат билан жавоб қайтармоқдалар.

СССР гражданларининг жуда кенг ва катта ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари уларнинг халқ олдидаги, жамият олдидаги, давлат олдидаги бурчлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини яхши англаб етиш бугун кечагидан, эртага бугунгидан унумлироқ меҳнат қилишга омил бўлмоқда, иш сифати ва самарадорлигини муттасил ошириб бориш учун ижодкорлик билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Партиямиз ўзининг XXV съездида белгилаб берган режалар изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг, беш йиллик топшириқлари ошириб адо этилаётганлигининг бош мақсади ҳам ана шундадир. Партия режаларини ўз режаси деб билган халқимиз экономикадаги, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритаётган экан, бу ютуқларнинг манбаи совет кишиларининг она-Ватан куч-қудратини ошириш йўлида, халқнинг бахт-саодати, моддий ва маънавий даражаси муттасил юксалиши йўлида қилаётган фидокорона меҳнатидир.

Шу эркин, ижодий меҳнат туфайли янги-янги машина ва механизмлар яратилмоқда, шинам уй-жойлар, маданий-маиший объектлар, ишлаб чиқариш корпуслари қад кўтармоқда, янги қувватлар ишга туширилмоқда. Каналлар қазилиб, янги ерлар ўзлаштирилмоқда, соҳибкор ва пахтакор деҳқонлар хирмонига барака кирмоқда, чорвадорлар меҳнати самараси кўпаймоқда. Бунёдкор совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ернинг яшнатмоқда, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги бўлган коммунизм биносини қурмоқда.

Янги Конституциямиз эса ҳаётимизнинг тағин ҳам фаровон ва мазмунли бўлиши, она-Ватаннинг гуллаб-яшнашига хизмат қилиб, бошимиз узра қуёшдек порлаб турибди. Бутун совет халқи каби республикамиз меҳнаткашлари ҳам ҳар бир сатри улуғ Лениннинг ҳаётбахш ғоялари билан суғорилган СССР Конституцияси билан фахрланмоқдалар. Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни яшамоқда, амал қилмоқда, мамлакатимизда коммунизм қурилишига хизмат қилмоқда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сиз экиш-тикиш ишларини битирганингизда биз космик вахтани бошлагандик. Кўз ўнгимизда далалар зумраддек яшнади, сўнгра тилладек бўлиб етилди. Космонавтлар қилаётган ишлари қишлоқ хўжалигига ғаллани кўпайтиришга бевосита алоқадор эканлиги билан фахрланадилар.

Биз йиғим-терим ишлари боришини диққат билан кузатиб турибмиз. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларидан руҳланган қишлоқ меҳнаткашлари, саноат, транспорт ходимлари об-ҳаво қийинчиликларига қарамай ҳосил учун чинакам кураш бошладилар.

Космик комплексимизга ажойиб бир совға — Украина, Қозоғистон, Оренбург буғдойи келтирилди.

Азиз ғаллакорлар, эришган катта меҳнат зафарларингиз билан сизларни самимий кутлаймиз.

Юрий Гагарин номидаги самовий вимпел учун мусобақа авж олдирилганлигидан хабардормиз. Бу вимпелни космонавтлар қишлоқ хўжалик илғорларига топширадилар.

Қишлоқ хўжалиги ходимларининг байрами билан сизларни сидқидилдан муборакбод қиламиз. Сиз бундан буён ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини, Леонид Ильич Брежнев ўртага қўйган вазифаларни фидокорона бажаравересиз деб ишонамиз.

Космонавтлар В. КОВАЛЕНОК, А. ИВАНЧЕНКОВ, «Салют-6» — «Союз-31» — «Прогресс-4» космик комплексининг борти.

МЕҲНАТКАШЛАР ДАСТУРХОНИГА

КАЛИНИН РАЙОНИ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Пойтахт областининг Калинин райони меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларидан руҳланиб давлатга сабзавот сотиш бўйича олинган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Давлатга 100 минг тоннадан зиёд сабзавот сотилди. Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга картошка сотиш планини 121,2, узум сотиш планини 116, полиз маҳсулотлари сотиш планини 101, ҳўл мева сотиш планини 136,4 процент қилиб бажардилар.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район меҳнаткашлари давлатга яна 10 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

ҲОСИЛ—МЎЛ, СИФАТ—АЪЛО

Пахтакорлар ҳаётида долзарб дамлар бошланди. Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида жуда кўп меҳнат ва куч-ғайрат сарфлаб, пахтачиликда тўпланган бой тажриба ҳамда юксак маҳоратни ишга солиб етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш қизғин давом этмоқда. Ҳосил йиғим-терими даври ҳар бир пахтакор ва механизатор, хўжалик раҳбари ва қишлоқ хўжалик мутахассиси учун синов ҳисобланади. Чунки давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган план ва зиммага қабул қилинган мажбуриятнинг тақдири асосан ана шу даврда ҳал қилинади. Қаерда иш тўғри ташкил этилса, мавжуд ишчи кучи ресурслари, техника воситалари теримга тўла сафарбар этилса ва улар юқори унум билан ишласа, ўша ерда юксак суръатга эришилади, кун сайин кўпроқ пахта терилади ва тайёрланади, давлат плани ва мажбурият тезроқ бажарилади.

Колхозимиз аъзолари зиммасига давлатга аъло сифатли уруғлик пахта топшириш вазифаси юклатилган. Ҳар йили минг тонна атрофида уруғлик пахта тайёрлаймиз. Бу йил ҳам давлатга минг тоннадан кўпроқ уруғлик пахта сотишимиз керак. Биз бу масалага алоҳида эътибор билан қараймиз.

Ҳозир далада ишлаётган 450 теримчи уруғликка топшириладиган пахтани теряпти. Уларга уруғлик учун фақат ғўза тупларининг қуйи қисмидаги дастлаб пайдо бўлган бўлиқ кўсакларнинг яхши пишган пахтасини териш, тўла очилмаган ва пишиб етилмаган кўсакларнинг пахтасини ситиб олмаслик, касалланган ғўза тупларининг пахтасини термаслик, пахтани имкони борича тоза териш, унга хас-чўпни, ғўза баргини аралаштирмаслик, терилган пахтани ерга тўкиб ифлослантирмаслик яхшилаб тушунтирилган. Уруғлик пахтани териш устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Чунки келгусида пахтачиликнинг янада ривожланиши, пахта етиштиришнинг кўпайиши, кўп жиҳатдан уруғлик пахтанинг юқори сифатли бўлиши, унинг чигити тўқ ва соғлом бўлишига боғлиқ.

Қўл теримини 20 сентябрда бошлаган эдик. Ҳар бир теримчи кунига ўрта ҳисобда 60-70 килограммдан — жами 29-30 тонна аъло сифатли пахта теряпти. Ҳозиргача давлатга 500 тоннага яқин уруғлик, 1000 тоннадан ортиқ машиналар билан терилган пахта топширдик. 1540 гектар майдоннинг 1500 гектарида дефолиация ўтказилган эди. Шу туфайли мавжуд 24 терим агрегатининг ҳаммаси 25 сентябрь куни ишга туширилди. Машиналарнинг бир группаси билан ҳосилнинг бир қисми уруғлик учун териб олинган участкалардаги пахта, қолганлари билан эса ҳосили уруғлик учун терилмайдиган участкалардаги пахта териляпти.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти жиззахликлардан намуна олиб, ҳосил йиғим-терими даври учун ташкилий ва маданий-оммавий тадбирлар белгилади. Шунга биноан пахта териш ва тайёрлаш ипатоволиклар методи асосида дала—бункер—тележка—тайёрлов пункти усулида ташкил этилди. Тўртта терим-транспорт отряди тузилиб, ҳар бир отряд составида пахтани терадиган, ташийдиган, техника хизмати ва маданий-маиший хизмат кўрсатадиган звенолар бор. Ҳар бир отрядда мувақкат партия группаси ташкил этилган. У отряд бошлиғи билан биргаликда пахта териш ва тайёрлашни тўғри ташкил этиш, отрядда ишловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш, социалистик мусобақани йўлга қўйиш масалалари билан шуғулланяпти. Терим техникасининг юқори унум билан тўхтовсиз ишлашини, пахта териш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган графикнинг бажарилишини, терилган пахтанинг сифати юқори бўлишини таъминлаяпти.

Терим агрегатларини асосан 25 кун ишлатиш ва шу муддат ичида барча етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан териб олиш мўлжалланмоқда. **Ҳар бир машина учун олти тоннадан иборат кунлик ва 150 тоннадан иборат мавсумий норма белгиланган. Теримнинг дастлабки кунларида ҳар бир машина билан 3-4 тоннадан пахта терилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 8—10 тоннага етди.** Ҳозиргача уруғлик пахта аъло сифатли бўлишини назарда тутиб, теримчилардан бир кунда 60—70 килограммдан кўп пахта териш талаб қилинган эди. Эндиликда эса ҳар бир теримчи ўрта ҳисобда 80 килограммдан пахта тера бошлади. Чунки кўпчилик теримчилар бир кунда 150—200 килограммдан пахта теришяпти.

Шундай қилиб, **ҳозиргача ҳар куни йиллик планнинг 2-3 проценти миқдорида пахта терилиб ва тайёрланиб келган бўлса, шу кунларда планнинг 4-5 проценти миқдорида пахта териш ва тайёрлашга эришиляпти. Бошқача қилиб айтганда, ҳар куни далалардан 200—220 тонна пахта териб олиняпти. Бу халқ хўжалик планини 12 октябрда, мажбуриятни эса 25 октябрда бажариш имконини беради.**

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳосил йиғим-терими даври учун белгилаган тадбирларда бригадалар, механик-ҳайдовчилар ва теримчилар ўртасида мусобақани кенг йўлга қўйиш, терим илғорларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш, далада ишлаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш назарда тутилган. Бригадалар, механик-ҳайдовчилар ва теримчилар ўртасидаги мусобақа натижалари ҳар беш кунда якунланиб борилаётир. Мусобақада ғолиб чиққан бригадага кўчма Қизил байроқ ва 100 сўм пул мукофоти, механик-ҳайдовчиларга вимпел ва 20 сўмдан пул мукофоти, теримчиларга 15 сўмдан пул мукофоти берилмоқда.

Колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига жавобан ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 5700 тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам албатта тўла-тўкис адо этадилар. Дон, сабзавот, мева ва узум, пилла етиштириш ҳамда тайёрлаш, давлатга гўшт, сут сотиш юзасидан белгиланган йиллик планлар муддатидан илгари анча ошириб бажарилгани бунинг далилидир.

К. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози раиси.

А. МАҲМУДОВ,
колхоз партия комитетининг секретари.

5 700 000 ТОННА „ОҚ ОЛТИН" УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 7 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида).

Бухоро	1,90	74,20	2,42	63,19
Наманган	2,02	69,11	3,02	61,83
Фарғона	2,24	68,24	2,75	50,40
Андижон	1,95	65,02	2,81	63,13
Қашқадарё	2,44	59,43	2,40	46,57
Сурхондарё	2,12	57,91	2,46	54,25
Тошкент	3,01	48,77	3,72	45,14
Жиззах	4,01	36,62	4,51	41,03
Самарқанд	2,89	31,16	3,09	26,78
Сирдарё	3,31	24,46	3,69	26,48
Хоразм	1,94	23,05	1,58	10,92
ҚҚАССР	1,57	13,72	1,23	4,83
Республика бўйича:	2,39	50,08	2,74	42,16
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Бухоро	2,12	53,90		
Наманган	2,15	50,29		
Сурхондарё	2,11	36,53		
Қашқадарё	1,81	26,45		
Республика бўйича	2,03	35,69		

ТЎПЛАМ ЧОП ЭТИЛДИ

«Л. И. Брежневнинг Бокуга сафари» тўплами нашр этилди. Бу тўпламга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Озарбайжон пойтахтига Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда қатнашиш учун Бокуга қилган сафари (1978 йил 18—25 сентябрь) тўғрисидаги материаллар киритилган.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди. (ТАСС).

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА

Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигига қарашли «Узпромвентиляция» трестининг коллективи КПСС XXV съездининг қарорларини амалга ошира бориб СССР янги Конституциясининг бир йиллигига ўнинчи беш йилликнинг уч йили планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Трест йил охиригача яна 3500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

(ЎзТАГ).

ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Осиёда хавфсизлик проблемаларига бағишланган Совет—Япония симпозиуми 7 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади. Симпозиумда ҳар икки мамлакатнинг таниқли олимлари, жамоат арбоблари, журналистлар—ана шу илмий учрашувни тайёрлашда актив қатнашган Япониянинг нуфузли «Санкэй Симбун» газетаси етакчи ходимлари иштирок этдилар. Муҳокама қилиш учун тақдим этилган докладларда, ана шу докладлар юзасидан бошланган мунозаралар давомида симпозиум қатнашчилари Осиёда ва Тинч океан регионида хавфсизлик ва кескинликни юмшатиш проблемаларини, СССР билан Япония ўртасидаги яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, ана шу алоқаларни мустаҳкамлашда, ҳар икки мамлакат халқларининг ҳамжиҳатлигини яхшилашда олимларнинг роли масалаларини кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Араб Социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад 6 октябрь куни Москвадан жўнаб кетди. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқига келган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Д. Ф. Устинов ва бошқа расмий кишилар САР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида самолёт пиллапояси олдида Ҳафиз Асадни кузатиб қолдилар.

Учиш майдонида Қуролли Кучларнинг уч тури—пиёдалар, учувчилар ва денгизчилардан иборат фахрий қоровул саф тортиб турди. Л. И. Брежнев билан Ҳафиз Асад совет жангчилари сафи олдидан ўтдилар. САР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТИ ШАРАФИГА

6 октябрь куни Москвада ССР Иттифоқи Большой театрида Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари, СССР министрлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, министрликлар ва идораларнинг бошқа масъул ходимлари ўтиришибди.

СССР қишлоқ хўжалик министри В. К. Месяц доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан партия Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб қабул қилдилар.

(ТАСС мухбири).

ИСТИҚБОЛЛАР АНИҚЛАНДИ

7 октябрь куни Тошкентда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Геология доимий комиссиясининг 36-мажлиси ўз ишини тугатди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг вакиллари нефть ва газ ҳамда бошқа хил ёқилғи янги конларини биргалашиб излаш ва разведка қилиш масалаларини тўрт кун мобайнида муҳокама қилдилар. Биргалашиб имзоланган якунловчи қарорда геология соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари белгиланди. Комиссия ишида Югославия геологлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Бугун—Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Коммунистик партия, унинг ленинчи штаби — КПСС Марказий Комитетининг бутун фаолияти халқ бахт-саодати ва фаровонлиги ҳақида, унинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми бунинг ёрқин далилидир. Пленум КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган доклади юзасидан қабул қилган қарорларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кўпгина актуал проблемаларини ҳал қилишнинг, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берилди.

Партия қишлоқ хўжалиги соҳасида КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумида ишлаб чиқилган аграр сиёсатни изчиллик ва қатъият билан амалга ошириб келмоқда. Партия аграр сиёсатининг самараси мамлакат иқтисодий ривожланишининг бутун давомида тасдиқланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги март Пленумидан кейин ўтган даврда республика қишлоқ хўжалиги янада интенсивлаштириш, иқтисослаштириш ва концентрациялаш негизида комплекс ҳамда динамик равишда ривожланганлигини таъкидлади. Ўтган ўн икки йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига қарийб 17 миллиард сўм ёки бутун Совет ҳокимияти йилларидагига нисбатан 2,6 баравар кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси бир мунча мустаҳкамланди. Колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парки тўла равишда янгиланди. Энергия қуввати 2,2 баравар ошди. Пахтачилик ва бошқа тармоқларни комплекс механизациялаш ишлари жадаллашди. Қишлоқ хўжалигини химиялаштириш кенг тус олди. Ана шу давр мобайнида республика колхоз ва совхозларига етказиб берилган минерал ўғитларнинг миқдори деярли икки баравар кўпайди.

Республика қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси мустаҳкамланганлиги ва унинг барча тармоқлари интенсивлаштириш ҳамда саноат негизида янада комплекс ривожлантирилганлиги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтириш имконини берди. Ўтган ўн икки йил ичида давлатга 55,4 миллион тонна, яъни шундан аввалги 25 йил мобайнида қанча пахта топширилган бўлса, худди шунча «оқ олтин» етказиб берилди. Бу даврда доннинг ялпи ҳосили 2,7 баравар, мева, узум, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти 3 баравар, гўштнинг миқдори 1,4 баравар, сут — 2,2 баравар, тухум — 7,5 баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тўхтовсиз ўсиши колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш имконини берди. Фақат шу беш йилликнинг ўтган икки йилида колхозлар ҳар йили ўрта ҳисобда 563 миллион сўм ёки 1965 йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп даромад қилдилар. Совхозларнинг соф фойдаси кўпайиб, 52 миллион сўмдан 215 миллион сўмга етди.

Республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўзларининг анъанавий байрамларини далаларда ва фермаларда янги меҳнат муваффақиятларига эришган ҳолда кутиб олдилар. Улар 1 миллион тоннадан зиёд ёки тўққизинчи беш йилликнинг ўртача йиллик кўрсаткичига нисбатан 2,2 баравар кўп дон етиштириб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Республика колхоз ва совхозлари биринчи марта ана шундай кўп миқдордаги буғдой ва арпа етиштиришга муваффақ бўлдилар. Давлат омборига 542 минг тонна ёки 1978 йил учун белгиланган топшириқдагига нисбатан 2,2 баравар кўп дон тўкилди. Республикадаги барча областлар давлатга дон топшириш планини ошириб бажардилар.

Маккажўхорикорларимизнинг қаҳрамонона меҳнати ҳам катта муваффақиятлар билан якунланди. Улар бир миллион тонна маккажўхори дони етиштирдилар ва давлатга дон топшириш юзасидан белгиланган топшириқни анча ошириб бажардилар. Республика сабзавоткорлари бу йил давлатга ўтган йилдагига нисбатан 49 минг тонна кўп сабзавот, 20 минг тонна кўп полиз экинлари маҳсулоти, 6 минг тонна кўп мева ва 48 минг тонна кўп узум сотдилар. Пиллачилар давлатга 29 минг тонна ёки планда белгиланганидан 2,9 минг тонна кўп пилла топширдилар.

Чорвадорлар маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтирмоқдалар. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида давлатга ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 8 минг тонна кўп гўшт, 35 минг тонна кўп сут, 10,3 миллион дона кўп тухум ва 2,6 минг тонна кўп жун топширилганлиги бунинг далилидир.

Ҳозир республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг бутун диққат-эътибори етиштирилган мўл пахта ҳосилини нобуд қилмай, тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришга қаратилган. Истисносиз барча область ва районларда, колхоз ва совхозларда, бригада ва бўлимларда ҳосил йиғим-терими жадал суръатлар билан олиб борилаяпти, далалардан кун сайин кўпроқ пахта териб олиняпти ва тайёрланяпти. Илғор районлар, колхоз ва совхозлар, бригада ва бўлимлар ҳосил йиғим-теримини мисли кўрилмаган уюшқоқлик ва юксак суръатлар билан олиб бориб, йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар. СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги арафасида Бухоро областидаги Ромитан райони, республикадаги 30 колхоз ва совхоз, 700 дан ортиқ бригада ва бўлим пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди.

Бухоро, Наманган, Андижон областларининг пахтакорлари ғалаба сари яқинлашмоқдалар. Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё областларининг колхоз ҳамда совхозлари пахта териш ва тайёрлашни жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.

Шолини ўриб-янчиш ва давлатга шоли топшириш қизғин давом эттирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларига биноан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирларини белгилади. Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базаси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ўнинчи беш йилликнинг охирига бориб республикада пахта етиштиришни 6 миллион тоннага, шу жумладан ингичка толали пахтанинг миқдорини 400 минг тоннага, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 33 центнерга етказиш назарда тутилади.

Партия ва ҳукумат колхоз ва совхозларни қисқа муддат ичида энг янги техника билан, биринчи навбатда пахта териш техникаси билан таъминлаш юзасидан самарали чоралар кўрмоқдалар. Машина терnamespace ҳажми йил сайин ошиб бормоқда ва ҳосил йиғим-теримида қўл кучини бутунлай сиқиб чиқариладиган вақт узоқ эмас. Республика пахтакорлари олдига машина терими ҳажмини 1979 йилда ялпи ҳосилга нисбатан 75—80 процентга, 1980 йилда эса 85—90 процентга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Пахтакорлар ана шу юксак маррани эгаллаб, ўн биринчи беш йилликда пахтачиликни ривожлантириш ва уни комплекс механизациялаш даражасини янада юксак поғонага кўтаришда янги муваффақиятларга эришадилар.

Ўзбекистон барқарор дон, хусусан шоли ва маккажўхори дони етиштирадиган республикага айланмоқда. Бу йил етиштириладиган доннинг ялпи ҳосилини қарийб уч миллион тоннага етказиш ва давлатга камида бир миллион тонна дон топшириш назарда тутилмоқда. Беш йилликнинг охирига бориб дон олиш учун маккажўхори экиладиган майдонлар кенгайтирилиб, 200 минг гектарга, ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги эса 80 центнерга етказилади. Ўн биринчи беш йилликда дон олиш учун маккажўхори экиладиган майдонлари 500 минг гектарга етказиш ва камида 5 миллион тонна маккажўхори дони етиштириш мўлжалланмоқда. 1980 йилга бориб етиштириладиган шолининг миқдори 600 минг тоннага, ўн биринчи беш йилликнинг охирида ҳар гектар ернинг ҳосилдорлиги 60 центнерга ва етиштириладиган шолининг ялпи ҳосили бир миллион тоннага етказилади.

Сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева ва узум етиштириш ҳам ана шу зайлда кўпайиб боради.

Республикада чорвачилик интенсив равишда ривожланмоқда. Чорвадорларимиз яқин келажакда жуда мураккаб ва масъулиятли вазифани ҳал қилишлари — шу беш йилликнинг охирига бориб гўшт, сут ва тухум етиштиришни ҳозирги эришилган даражага нисбатан икки баравар кўпайтиришлари даркор. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси бу вазифа муваффақиятли ҳал қилинажагидан далолат бермоқда.

Озуқа базасини такомиллаштириш чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим резерви ҳисобланади. Партия чорвадорларимиз олдига яқин икки-уч йил ичида эски бедапоялардан ҳар гектаридан олинадиган беда пичанининг миқдори 200 центнерга, силос учун экилган маккажўхорининг гектаридан олинадиган кўк поясининг миқдорини 600 центнерга, илдиз мевали экинларнинг гектаридан олинадиган ҳосилини 700 центнерга етказиш вазифасини қўймоқда. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу вазифа ҳам муваффақият билан адо этилади.

Ҳозир республика қишлоқларида яхши меҳнат кайфияти ҳукм сурмоқда. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, барча қишлоқ меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш, келгусида пахта, дон, гўшт, сут ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун мустаҳкам негиз яратишга интилмоқдалар.

А. УРКИНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри.

МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ТОРТИҒИ

Самарқанд областининг кооператорлари СССР янги Конституциясининг бир йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, умумхалқ байрамига муносиб туҳфа ҳозирладилар. Улар беш йилликнинг зарбдор йили мева, картошка, полиз ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш планларини муддатидан олдин ошириб адо этдилар. Йиллик пландаги 4.175 тонна ўрнига 6.500 тонна мева, 9.170 тонна ўрнига 9.800 тонна картошка тайёрланди. 20 минг тонна полиз маҳсулотлари ва 62.150 тонна сабзавот тайёрланди.

Эришилган бу муваффақиятларга Самарқанд, Ургут, Каттақўрғон, Пайариқ, Жомбой ва Пахтачи район кооператорлари катта ҳисса қўшдилар.

Область тайёрлов ходимлари ишни қизғин давом эттирмоқдалар. Бизнинг коллективимиз планга қўшимча яна 500 тонна мева, 4 минг тонна картошка, 3 минг тонна қовун-тарвуз ва 15 минг тонна сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

А. ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Самарқанд область матлубот союзи правлениеси раисининг ўринбосари.

ВАЪДАГА ВАФО

— СССР Конституцияси бир йиллиги кунигача ўнинчи беш йилликнинг уч йили планини бажарамиз! — Ана шундай мажбурият олиб, баракали меҳнат қилган «Андижангидрострой» бошқармасининг азаматлари ваъдаларига вафо қилдилар. Улар 22 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этиб, уч йиллик планни муддатидан илгари бажаришга эришдилар.

Сунъий денгиз бунёдкорлари коллективи эса объект қурилиши бошлангандан буён уч миллион куб метр бетон ишларини бажаришни таъминладилар.

Е. УМАРОВ,
Андижон области.

БАЛИҚЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Жиззах балиқчилик комбинати коллективи 430 тонна ўрнига 480 тонна балиқ реализация қилиб, зарбдор йил планини ошириб бажарди. Бунда Мўйноқдан келган Бердибек Тожимуродов бошлиқ балиқчилар бригадаси энг юқори кўрсаткичга эришди. Бригада аъзолари кейинги ўн кунликда киши бошига 100 килограммдан балиқ овладилар.

Комбинат меҳнат аҳли йил охиригача яна 230 тонна балиқ овлаш учун мусобақани кучайтирмоқда.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УСТОЗ ОЛИМ

И. МУМИНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Улуғ Октябрь, жамиятимиз Асосий Қонуни бўлмиш СССР Конституциясининг ҳаётбахш ғоялари мамлакатимизда яшовчи барча қондош халқларни тараққиётнинг ойдин йўлига олиб чиқди. Шу тараққиёт йўлидан бориб, диёримизнинг илмий, маданий қиёфасини тубдан ўзгартиришга баракали ҳисса қўшганлар орасида Иброҳим Мўминович Мўминовнинг ҳам мўътабар номи бор.

Йирик совет олими, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти И. Мўминов барҳаёт бўлганда ҳозир 70 ёшга кирган бўлур эди. У атоқли олим, жамоат арбоби ва устоз сифатида ҳам, чин инсон сифатида ҳам ўзидан ёрқин ва порлоқ хотира қолдирди.

Аввал бошланғич мактабда, сўнгра Бухоро маориф институтида таҳсил кўрган И. Мўминов Бухорода икки йиллик курсларда ва маориф институтида ўқитувчилик қилиб, жамиятшунослик ва синфий кураш тарихидан дарс берди.

1933 йилда Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) давлат университетининг барпо этилишида актив қатнашган ёш педагог филология, сўнгра тарих факультетининг декани бўлиб ишлади, 1941 йилга қадар марксизм-ленинизм кафедрасига мудирлик қилиб, студентлар ва аспирантларга марксча-ленинча философиядан лекциялар ўқиди.

1940 йилда И. Мўминов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига қабул қилинди. И. Мўминов 1941 йилда «Гегель диалектикасининг рационал мағзи» темасида кандидатлик диссертациясини ёқлади, 1943 йилда янги ташкил этилган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси бўлиб сайланди. 1950 йилда «XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. 1955 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих ва археология институтининг директори этиб тайинланди.

И. Мўминов 1956 йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва вице-президенти этиб сайланди. Шу лавозимда умрининг охирига қадар фаол меҳнат қилди.

Атоқли олимнинг ҳаётий йўли қисқача қилиб айтганда ана шундай. Бу сермазмун ҳаёт саналарига назар ташласак, унга чиндан ҳам ҳавас қиласан киши. Зотан, ўн олти ёшда педагоглик фаолияти билан шуғулланиш, 25 ёшда олий ўқув юрти факультетининг декани, 35 ёшда республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Бунинг сири — Иброҳим Мўминовичнинг машаққатли илм-фан чўққиларини эгаллашга астойдил интилганлигида, севимли ишига чексиз эътиқодида эди, албатта.

Иброҳим Мўминовичнинг биринчи илмий асарлари 40-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ўша вақтдан бошлаб то умрининг охирига қадар у илмий-тадқиқот ишлари билан тинмай шуғулланди. Унинг илмий мероси 250 дан кўпроқ илмий ва оммабоп асарлардан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги Москва ва Ленинградда нашр этилди, чет эл матбуотида кўпгина мақолалари чиқди.

Олимнинг илмий меросида Ўрта Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ўрта асрлардан то бизнинг кунларимизгача бўлган ижтимоий-фалсафий фикр тарихини ўрганишга бағишланган асарлар марказий ўринни эгаллайди. Шуни қайд қилиш керакки, Иброҳим Мўминович бу катта ва муҳим проблемани чуқур ва атрофлича ўрганиш заминини яратган биринчи олимлар қаторида туради. Ўтмишдаги мутафаккирлар ва олимлар меросидаги энг қимматли, энг прогрессив томонларни фан ва халқ мулкига айлантириш, уларнинг номларини ва хизматларини рўёбга чиқариш йўлида Иброҳим Мўминович сарфлаган куч-ғайрат кўпгина асарларда ўз аксини топди. Булар орасида «Феодализм даврида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий, сиёсий ва фалсафий фикрининг ривожланиши», «XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий ва фалсафий фикр тарихидан», «X асрдан XX асргача Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр ривожланиши тарихи масалаларига доир», «Ўрта Осиёнинг атоқли мутафаккирлари», «Беруний ва унинг ижтимоий дунёқараши», «Абдураҳмон Жомий мутафаккир олим сифатида», «Мирза Абдулқодир Бедилнинг фалсафий қарашлари» ва бошқа кўпгина асарлар бор.

И. Мўминов марксча-ленинча философиянинг ҳозирги замон проблемалари билан кўп шуғулланди. Бу йўлдаги илмий-тадқиқот ишларининг самараси «Марксча философияни ривожлантиришда В. И. Лениннинг буюк роли», «В. И. Ленин фалсафий меросини чуқур ўрганиш учун» ва бошқа асарларда ўз ифодасини топди.

Атоқли олим фаннинг йирик ташкилотчиси ҳам эди. У республикада илм-фаннинг кенг равнақ топиши, юқори малакали илмий ходимларни тарбиялаб етиштириш йўлида кўп ишлар қилди. Шу йилнинг май ойида республика Фанлар академияси философия ва ҳуқуқ институтининг очилганига йигирма йил тўлди. Бунда И. М. Мўминов раҳбарлигидаги ходимларнинг хизмати айниқса катта бўлди.

Иброҳим Мўминовичнинг философия билимларини кенг пропаганда қилиш соҳасидаги ишлари республикамиз ташқарисида ҳам яхши маълум. 1958 йилда у СССР социологлари ассоциациясининг вице-президенти, 1974 йилда эса унинг Ўрта Осиё филиали раиси этиб сайланди. У, шунингдек, фан ва техника тарихи Бутуниттифоқ ассоциацияси Ўзбекистон филиали раиси, Бутуниттифоқ философлар жамияти президиумининг республикамиздаги филиали раиси эди.

Кенг диапазонли олим фаннинг бир тармоғи — философия доираси билангина чекланиб қолмади. Республика Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида унинг катта ташкилотчилик қобилияти ёрқин намоён бўлди. У ўзбек Совет Энциклопедиясининг асосий ташкилотчиларидан бири ва биринчи муҳаррири бўлди. Айни вақтда мамлакатимизнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқандда археология институтини ташкил этишда катта жонбозлик кўрсатди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг энг бой қўлёзмалар сақланадиган Шарқшунослик институтининг янги биноси қурилишида ҳам унинг хизматлари катта. Абу Али ибн Синонинг «Тиббиёт илми қонуни», Абу Райҳон Берунийнинг кўпгина машҳур асарлари ҳамда Шарқ фани ва тафаккури классиклари ижодларини ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, кенг ёйилишида ҳам Иброҳим Мўминовнинг хизматлари ғоят каттадир.

Совет Ўзбекистонининг илм-фан соҳасида эришган ютуқларини кенг ёйишда фаннимиз жонкуярининг хизматлари айниқса каттадир. Иброҳим Мўминович кўпгина республика, Бутуниттифоқ ва халқаро илмий симпозиумларида ва конференцияларда республика делегациясига бошчилик қилди, чет элларда командировкада бўлиб, совет фани ютуқларини актив пропаганда қилди. У Совет Ўзбекистонида социалистик ва коммунистик қурилишда эришилган муваффақиятлар ҳақида Венгрия, Чехословакия, Покистон, Италия, Греция ва бошқа мамлакатларда кўп марта сермазмун лекциялар ўқиди.

И. Мўминов ўн олти йил мобайнида Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесига раислик қилди. Шу йиллар ичида жамият республика меҳнаткашлари орасида катта обрў қозониб, Иттифоқимиздаги йирик илмий масканлардан бирига айланди. Илмий ва сиёсий билимларни пропаганда қилишнинг йирик ташкилотчиси сифатида Иброҳим Мўминовичнинг номи Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг «Ҳурмат китоби»га ёзилди.

Республикада ижтимоий фанлар соҳасида илмий кадрлар тайёрлаш ишини кенг йўлга қўйишни Иброҳим Мўминович ўзининг энг муҳим вазифаси, деб биларди. Аспирантуралар ташкил этиш, ёш олимлар билан ишлаш, уларнинг кандидатлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилиш унинг ташкилотчилик фаолиятида катта ўрин тутди. Унинг раҳбарлигида юзга яқин кандидатлик ва 20 дан ортиқ докторлик диссертациялари ёқланганлиги диққатга сазовордир. Эндиликда унинг ўнлаб шогирдлари олий ўқув юртларига, илмий-тадқиқот институтларига, кафедраларга, бўлимларга, илмий муассасалар секторларига ўз устозларидек меҳрона раҳбарлик қилмоқдалар, Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда партия ва давлат органларида масъул лавозимларда ишламоқдалар.

Партия, ҳукумат, илмий ва кенг жамоатчилик Иброҳим Мўминовичнинг кўп қиррали фаолиятини юксак тақдирладилар. У икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени, кўпгина медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бир неча Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Унга Абу Райҳон Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Иброҳим Мўминович бир неча марта Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг аъзолигига сайланди.

Совет фанининг жонкуяри, атоқли олимнинг ҳаёт йўли, илмий фаолияти, актив жамоатчилик фаолияти ҳаммамиз учун намунадир.

М. НУРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Марғилон ипак комбинатининг меҳнат аҳли бу йил корхонанинг ярим асрлик тўйини нишонлайди. 40 дан ортиқ миллат вакиллари бу ерда қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Корхонада ҳар йили 25-26 миллион метр маҳсулот тайёрланади. 250 буюртмачига бу маҳсулотлар жўнатиб турилибди. Суратда: корхонанинг цехларидан бири.

И. Душкин фотоси (ЎзТАГ).

ҲИММАТ

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Наманган ишлаб чиқариш корхонасининг меҳнат аҳли 6 миллион 550 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, беш йиллик уч йили маррасини муваффақият билан эгаллади. Эргаш Умаров, Камолхон Отақориев, Сотволди Ҳамидов, Тоштилла Тўрахўжаев ўртоқлар бошлиқ цех ва бригадалар баланд руҳ билан ишлаб, бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ж. ОТАҚОРИЕВ,
Н. АБДУВАЛИЕВ,
Наманган области.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ЛУҒАТДАГИ ЧАЛКАШЛИКЛАР»

«Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти З. Дўсимов ва Ҳ. Эгамовларнинг «Жой номларининг қисқача изоҳли луғати» китобини нашр этди... Аввало, шуни айтиш керакки, авторлар бу луғатни қайси принцип асосида тузганликлари номаълум.

Хуллас, китобда илмий, стилистик, имловий хато ва камчиликлар жуда кўп. Қўлёзма умуман таҳрир қилинмаган. Ўқувчиларга ҳавола қилинган бу китоб топонимика, филология фанларидан ҳамда мактаб ҳаётидан узоқ турувчи кишилар томонидан ёзилганга ўхшайди» — дейилади газетанинг шу йил 1 август сонида босилган мазкур сарлавҳали танқидий мақолада.

Мақола юзасидан «Ўқитувчи» нашриёти редакцияга шундай мазмунда жавоб йўллаган:

— Танқидий мақола нашриётда кенг муҳокама қилинди. Мақолада китобдаги йўл қўйилган камчиликлар тўғри танқид қилинган. Сўзга чиққан ўртоқлар тарих ва география редакцияси мудири У. Миралиевнинг ва шу редакция редактори А. Раҳимованинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганликларини таъкидлашди. Камчиликка йўл қўйганлар жазоланди.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

— Партия аграр сиёсатининг самаралари —

Кеча СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллигини нишонладик. Совет кишиларининг жуда катта ва кенг ҳуқуқлари эълон қилинган бу янги Конституциямизга шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни тезроқ тугатиш, қишлоқларни обод посёлкаларга айлантириш зарурлиги тўғрисидаги модда биринчи марта киритилган. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозларда қурилиш бўйича Давлат-кооператив бирлашмаси— «Ўзколхозстрой» ана шу жуда катта социал-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган вазифани бажаришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Республикамиз колхозлараро қурилиш ташкилотларининг коллективлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини зўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги докладида мамлакат қишлоқ хўжалигининг, шу жумладан ҳозирги босқичда қишлоқ қурилишининг аҳволини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиб, ишимизнинг комплекс программасини белгилаб берди. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини тезкорлик билан бажариш СССР Конституциясида ёзиб қўйилган қишлоқларни қайта қуриш хусусидаги талабларни амалга оширишга имкон беради. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз докладида таъкидлаб ўтганидек, ҳозирги пайтда қишлоқда қурилишни ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия аграр сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди.

СССР янги Конституцияси бир йиллиги арафасида бирлашмамиз халқ хўжалиги тўққиз ойлик плани муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Шу вақт ичида республика колхозларига 180 минг квадрат метр уй-жой, 8,3 минг ўринли болалар боғчалари, 52 минг ўринли мактаблар, 9,5 минг ўринли клуб ва кинотеатрлар, 600 ўринли касалхоналар қуриб берилди.

Бирлашма бажараётган ишлар кўлами тўғрисида гапирганда сўнгги йилларда уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш ҳажми тез ўсаётганлигини таъкидламоқ керак. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида қилган докладида ҳозирги кунда қишлоқ қурилиши социал проблемаларин ҳал этишда жуда муҳим бўғин эканлигини таъкидлади. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари республикамизда хутор системасини тугатиш юзасидан актив иш олиб бормоқдалар, бинобарин, улар катта социал аҳамиятга эга бўлган вазифани ҳал этмоқдалар.

Қишлоқларни қайта қуриш масаласи қишлоқ уй-жой-қурилиш кооперативларининг кенг тармоғини вужудга келтириш билан узвий боғлиқдир. Чунки қишлоқларни тубдан реконструкция қилиш каби улкан ишларни худди шу метод билангина қисқа муддатда бажариш мумкин.

Бирлашма кооператив қурилиш учун янги лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Бу лойиҳаларда колхозчилар ва қишлоқ зиёлиларининг талаб ва истаклари, Ўзбекистоннинг турли зоналаридаги иқлим шароити ҳисобга олинган.

Иш кўламининг кескин ошганлиги бирлашмамиз коллективидан қурилишнинг таркиб топган практикасини бутунлай ўзгартириб юборадиган бир қанча тадбирларни ишлаб чиқишни талаб қилди. Аввало, биз қурилишни комплекс олиб бориш йўлига ўтдик, яъни қишлоқларни реконструкция қилишда посёлкаларни ривожлантириш перспектив планларига қатъий амал қилмоқдамиз. Бунда уй-жой массивлари ва кварталлари зарур маданий-маиший объектлар билан бир вақтда қурилиб, бир йўла инженерлик коммуникациялари ўтказилиб, ободонлаштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда бирлашма 78 та посёлкани, жумладан, 7 та тажриба-намуна посёлкасини бунёд қилмоқда.

Уй-жой ва маданий-маиший объектлар қуриш суръати бирлашмадан қурилиш технологиясини ўзгартиришни, аввало уни индустрлаштиришни талаб қилмоқда. Ҳозирча ишлаб чиқилган бош планларга мувофиқ республикадаги кўпчилик колхоз посёлкалари бир қаватли ғишт уйлардан иборат бўлмоқда. Табиийки, ғишт теришни индустрлаштириб бўлмайди. Бинобарин, колхоз қурилишида заводда тайёрланадиган йирик элементларни дадилроқ ва кенгроқ жорий этмоқ лозим. Шу муносабат билан бирлашмада йирик панелли уйсозликни ривожлантиришнинг кенг программаси ишлаб чиқилди. Бу программага мувофиқ биринчи навбатда қудратли қишлоқ қурилиш комбинатлари тармоғи барпо этилади. Бундай комбинатлар республикамизнинг ҳамма областларида ишлаб турибди ва қурилмоқда. Шунингдек, Жиззах шаҳрида цементсиз керамзит-бетон панеллар заводи барпо этилади. Бу корхоналар беш йилликнинг охиригача фойдаланишга топшириладиган уй-жойларнинг камида 25 проценти учун йирик панеллар етказиб бериши керак.

СССР янги Конституциясининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа давомида бир қанча янги ташаббуслар пайдо бўлди. «Ёнимизда биронта ҳам қолоқ бўлмайди», «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати», «Беш йилликнинг уч йили топшириғи — 7 октябргача», «Мураббийлар тажрибаси — ёшларга», — республиканинг ўн минглаб колхоз бинокорлари армияси ана шундай шиорлар остида меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар бир шонли санани муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш бирлашмамиз коллективининг шонли анъанасидир. СССР Конституциясининг бир йиллигини ҳам коллективимиз республика колхозларининг қишлоқлари қиёфасини ўзгартиришдек мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Ишимиздаги бу юксак суръат беш йилликнинг учинчи йили планларини муваффақиятли адо этишнинг гаровидир.

Э. АШУРОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозларда қурилиш бўйича давлат-кооператив бирлашмасининг раиси.

Публицистика

ҲАРОРАТ

Сир эмаски, Ўзбекистон пахтаси билан йўргакланган ҳар бир инсоннинг нигоҳи йил бошидан қуёшда бўлди: осмонда ҳарорат кам! Кўкда қуёш имиллайди. Бир парча булут баҳона тубсиз осмон қаърида у кўздан қочади. Ўзбекистон пахтасининг ҳар бир толасига юракнинг минг бир томири билан боғланган ҳар кимса борки, беморнинг юзига боққандек қуёш авзойига боқади: милтиллашидан йилтиллаши камроқ! Йилнинг одими одатдагидан бир ой ҳаяллаган эди...

Кексалар даврасида суҳбат қайнайди:

— Чоракам аср оралиғида бундай намхуш йилни эслолмайман, — дейди давра оқсоқоли.

— Саратоннинг шабадасидан кўкламнинг нафаси келиб турибди-я. Пахтанинг аҳволи не кечади? — ташвиш тортади кекса ҳамсуҳбат.

— Оббо, ёз ўтиб, елкамдан иссиқ ўтмади-я, — зорланади оқсоч онахон. — Ишқилиб пахтамиз пиша қолсин-да.

Табаррук қариялар даврасига синчиклаб қулоқ солсангиз, шубҳасиз шу ташвиш — ҳарорат танқис!

Кўчаларда одамлар тўлқини. Кимдир вақтни сўрайди, кимдир йўл сўроқлайди. Бироқ ҳаммасидан кўпроқ, бу йилги одатга кўра, ёз бўйи тез-тез шу савол-жавобга дуч келамиз:

— Хабарингиз йўқми, бугун ҳарорат қанча бўларкин?

— Ўттиз...

— Нега бунча паст?

Бу ногаҳоний учрашувда ҳам ҳарорат устидан шикоят! Одамлар ҳароратни сўроқлайдилар.

Нақ саратон ҳам келди... Ўзбек юртининг саратони оламга таниқли. Саратонда бир парча соя излаб эси кетадиганлар бу йил офтобрў жойга интилиб қолдилар. Не ажабки, саратонда одамлар кун салқинлигидан нолиб юрдилар. Гоҳо-гоҳо табиат «адашиб» қолган кунлар бўлди, ҳарорат симоб устининг қирқ-қирқ икки рақамлари устида бир зум тўхтаган кўринди. Бироқ бир-икки куннинг тафти йил бўйи давом этган ҳарорат ташналигининг ўрнини босолмасди. Одамлар ҳароратга ташна эдилар.

Орол бағридаги Мўйноқда балиқчилар бизга бир «сир»ни айтиб бердилар: сўнгги чорак аср мобайнида оролга Сирдарёдан бу йил биринчи марта сув қуйилди...

Қуйилса-қуйилар, хўш, нима бўпти? Кекса балиқчилардан — Шакен Қавлибаев шундай ҳисоб-китоб қилади: Сирдарёдан сув келиши — Оролнинг бахти, денгиз сатҳи бир маромда туради, балиққа бой бўлади, қирғоқ чекинмайди. Орол қирғоғи сўнгги ҳар йилда бир-бир ярим метр атрофида, гоҳо бундан ҳам кўпроқ чекиниб кетмоқда. Сўнгги бир неча ўн йиллардан бери бу йил илк бор Орол ўз қирғоқларига содиқ қолди! Бир авлоднинг кўз ўнгида денгизнинг неча юз метрлаб чекиниб кетгани балиқчиларни озмунча ташвишга солганмиди! Бунинг барчасига сабаб бўлган ҳам — ҳарорат!

Балиқчилар бунинг сабабини яхши билишади. Бироқ улар ҳам бу йил соя ташлаган ҳарорат сўлғинлигидан севинганлари йўқ! Ҳароратнинг пастлигидан пахталар сувга кам эҳтиёж сезди, пайкаллар уч-тўрт ўрнига икки-уч мартадан сув ичди. Миллион гектарларни, миллиардлаб жўякларни, рақамларга сиғмайдиган ғўза тупларини суғорадиган азамат Сирдарё ҳар йили Оролгача етолмай энтикиб қоларди. Ўзбекистон пахтазорларини бир мавсумда бир марта кам суғориш — ярим денгиз ёки бир неча сув омбори деган гап. Ўзбекистоннинг сувга бўлган эҳтиёжи ўнлаб сув омборлари, юзлаб канал ва ўзанлар, миллион кубометрлар билан ўлчанадики, буни, яхшиси, сув илмининг сардорларига ҳавола этамиз!

Дарвоқе, Орол балиқчилари гарчанд денгизга — ўз дастурхонига нон-насиба ёғилса ҳам, бу пахтанинг ҳисобига бўлаётгани учун кўнгилларининг бир чети кемтик эди! Улар пахтанинг ризқ-рўзини оқизиб келаётган Сирдарёдан хушнуд эмасдилар! Бу қуёш устидан арз эди! Бу пахтага бўлган меҳр-оқибат, пахтакорга бўлган муҳаббат эди! Ҳаммасига бош сабаб, ўртага ечими йўқ жумбоқ ташлаган ҳарорат эди!

— Биз ёз бўйи нақадар ҳароратга ташна ўтдик, — дея ҳикоя қилади икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Жиззах районидаги машъал «Москва» колхозининг раиси Ҳамроқул ота Носиров. — Бағримизга муздек шабада тегса, пахтамизни ўйладик — бизга ёқса пахтамизга ёқмайди. Майли, саратон олов пуркасин, жазирама офтоб бодроқ қовурсин, бизга ёқмаса ёқмасинки, лекин пахтамизга ёқса бўлгани. Табиат пахтамизнинг бошини силаса, бизнинг бошимизни силагани.

Поп районидаги Ленин орденли Ленин номли аграр-саноат бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Аҳмаджон Одилов бу йилги ҳарорат танқислигини шундай таърифлайди:

— Тунлар кўзимдан уйқу қочади: пахтани ўйлайман. Назаримда, қозонга ҳамма масаллиқ солингану, ўчоқда чўғ йўқ! Бу йил пахтакорнинг сочи битта-иккита кўпроқ оқарган бўлса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ: оқартирувчиси — ҳарорат! Сочнинг оқариши мижоздан дейдилар, — деб яна ўзича изоҳ беради Аҳмаджон ака, — бизнинг бир мижозимиз — ҳарорат, бир мижозимиз пахта. Сочимизнинг оқи ҳам шундан. Бири етишмаса, бири кўпаяверади.

Ҳарорат! Сен Ўзбекистон деҳқони учун нақадар азиз бўлдинг! Атомлар қудратсиз қолди сенинг қаршингда! Лазер тафти сенинг бир кунлик киприк қоқишингча эмас эди! Пахтазор учун улар ойнинг совуқ нури, юлдузларнинг алдоқчи кўз қисиши каби эди, холос! Шоирнинг «Мингта ой бир қуёш бўлолмас» дегани хаёлдан кечади. Барчасининг нуқсони битта — улар ҳароратдан маҳрум эдилар!

Яқинда шифохоналардан бирида беихтиёр шундай диалогнинг гувоҳи бўлдик.

— Мен авваламбор врачман, — деб куйиб ёнади ёшгина жувон. У кесиб-кесиб гапирарди: — Сизга жавоб беришга ҳаққим йўқ. Сиз пахтангизга жавобгар бўлсангиз, мен сизнинг соғлиғингизга жавобгарман! Тушунсангиз-чи, ахир! Ҳароратингиз баланд!

— Сиз ҳам тушунинг! — ёлворади бемор — Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз раиси Камол Назаров, — менинг пахтам касал, ахир! Унга ҳарорат етишмаяпти!

Палатага кириб раиснинг кўнглини сўрашга жазм этдик. Йигирма йилдан буён Тўрткўлнинг йирик хўжаликларидан бирига етакчилик қилиб келаётган Камол Назаровнинг касали — пахта касали эди! Далада ҳарорат тушган сайин унинг ҳарорати ошарди. Пахтасидан узоқда бу дардига даво йўқлигини сезиб, қишлоғига отланган-у, врачлардан рухсат ололмай овора.

Ҳеч кимга сир эмас, асл пахтакорнинг бу йил томирида қон гупурган, ҳарорати баландроқ! Ахир, оз эмас, сал кам уч юз кундирки, ҳароратнинг чўғи кам! Қуёшнинг қозонида пишиб етиладиган пахтамиз учун, унинг ижодкори бобо деҳқон учун ҳароратсиз кунлар нақадар оғир бўлди.

Синоптиклар тарих саҳифаларини варақлаб, шоҳидлик берадилар.

— Сўнгги юз йил ичида Ўзбекистон диёри бу қадар Қуёш танқислигини кўрмаган...

Деҳқончилик илмининг саркорлари тарих йилномасига боқадилар:

— 1913 йилдан буён битилган агробиология кузатишларида Ўзбекистон пайкалларида бу йилгидек июнь ойининг охирларигача ерга чигит қадалган йил бўлган эмас...

Бироқ, шунга қарамай, замон тарихчилари ушбуларни зарҳал ҳарфлар билан қайд этишга мажбурдирлар:

— Тарих ўзбек юртининг пахта учун бу қадар оёққа қалқиганини билган эмас! Замон замон бўлиб, тарих тарих бўлиб бу қадар шижоатни кўрган эмас! Инсон инсон бўлиб бу қадар ҳароратнинг гувоҳи бўлган эмас!

Бу қандай сир бўлди? Қайси ҳарорат ҳақида сўз бормоқда? Тарихнинг адолатли зарбчилари нималарга ишора қилмоқдалар? Бу ҳарорат қайдан ёғилди?

Бу ҳарорат одамлар қалбининг тафтидир! Бу — пахта, пахтам, пахтамиз, деб ёнган юракларнинг оловли ёлқини! Тома-тома кўл бўлур деганлар. Юракларнинг ёлқини ёлқинларга улашди, чўғлар чўғларга туташди. Туну-кун одамлар қалбидан пахтазорга ҳарорат ёғилди, меҳридарё деҳқон бу нурни аямас, саховат бағри кенг очилган эди. Табиат инсон мўъжизаси қошида яна ва яна лол эди.

Табиат, лол қол! Тарих, қойил бўл! Ўзбекистонда пахта ўз маромида пишиб етилди! Сомон йўли юлдузларининг завқини келтириб, миллиард-миллиард чаноқларда Ўзбекистон юлдузлари кўз очди. Чаманларда оппоқ юлдузлар, гўё борлиқ оқ тонглардан иборат. Бу тонглар эрта-индин «оқ тоғ»ларга айлангусидир! Марҳабо, дўстлар, марҳабо Ватан, Ўзбекистон юлдузлари сизга мунтазир!

Ўзбек пахтакорлари ҳарорат танқис бўлган шундай нозик йилда буюк хирмонга мустаҳкам замин яратдилар. Буни Бухоро ва Тошкент шижоати, Наманган ва Андижон ғайрати, Фарғона ва Жиззах суръати, Сурхон ва Қашқадарё қаноти, Сирдарё ва Самарқанд карвони, Хоразм ва Қорақалпоқ хирмони исботлаб турибди. Кўзланган қутлуғ марramиз — 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмон қад кўтарадиган, Ҳимолай ва Помир тоғлари ҳавас билан боқадиган ўзбекнинг «оқ олтин» тоғлари бўйи Кремлдан кўзга ташланадиган кунлар узоқ эмас! Дўстларимиз юзи шодлик ва ғурурдан гул-гул ёниб, ғанимлар кўзи рашк ва алам тупроғига тўладиган дақиқаларга саноқли кунлар қолди! Ўзбек пахтакорлари ҳароратни ҳеч кимдан олганлари йўқ. Бу қудратни улар ўз қалбларидан топдилар. Ўз устозларининг ўгитларидан, улар яратган буюк деҳқончилик мактабининг ҳикматларидан топдилар. Пахтачилик илмининг алломалари, социалистик Ўзбекистоннинг пайкалларига илк чигит ташлаб, илк кетмон урган, далаларга биринчи машиналарни олиб кирган сардорлар тажрибасидан сабоқ олдилар. Авлодлар қалбида мангу барҳаёт сиймолар Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Ҳамроқул Турсунқулов, Ғанишер Юнусов, Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Чўли Бегимқулов, Абдужамил Матқобулов, Абдулла Ортиқов, Мамажон Дадажонов, Ким Пен Хва, Мелиқўзи Умурзоқов, Искандар Дўсов ва бошқаларни кўрамиз. Ерга чигит ташлаш учун эрта кўклам далага отланган деҳқон дилидан уларнинг номи бирма-бир ўтади. Биринчи чигит униб чиққанда у унутилмас устозларнинг ерга сиғмаган орзу-умиди бўлиб кўринади кўзига. Биринчи гул, биринчи кўсак кўзга ташланганида деҳқон ўша мураббийлар номини тилга олиб қувонади. Биринчи чаноқ очилганда яна уларнинг муборак ишларини, хайрли удумларини эслайди. Ниҳоят, пахтазор чаманзорга айланиб, оммавий теримга тушиш олдидан: «Менинг қўлим эмас, устозларимнинг қўли!» деб енг шимаради. Устозлар руҳига ва уларнинг эзгу ишларига бундан ортиқ таъзим борми?

Устозлар изини тутиб, улар билан ёнма-ён, елкама-елка ишлаган, сидқидил ва покиза тер тўккан, ўзбек пахтасининг довруғини жаҳонга таратган яна бир гуруҳ мураббийларимиз борки, улар юртнинг назарида, элнинг иззатида. Уларсиз на дастурхонда файз бор, на пайкалда барака. Бағримизнинг бутунлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги улар билан. Тўкис-тугаллигимиз улар, улар фахримиз-ифтихоримиз. Улар ўз меҳнатлари, элга бўлган садоқати билан, буюк ватанпарварлиги, пахтасеварлиги билан шоир айтганидек, Ўзбекистон шуҳратига такрорланмас қўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қурдилар. Ҳамроқул Носиров, Турсуной Охунова, Аҳмаджон Одилов, Хван Ман Гим, Бобомурод Омонов, Ойимхон Камолова, Маҳмуд Исматов, Камол Азимов ва бошқа ўнлаб ана шундай мўътабар замондошларнинг номини тилга олиш мумкин.

Улар изидан бораётган пахтакорларнинг муносиб авлоди буюк меҳнат эстафетасини ишончли қўллар, фахрли номлар, умидли келажак олишидан далолат бермоқда. Расул Ҳайдаров, Тўлан Дадажонов, Оппоқой Рустамова, Сайфиддин Очилов, Жиянқул Рустамов, Отаназар Худойназаров, Холмўмин Сафаров, Сервер Алиев, Бобошер Шовқиев, Хонкелди Холиқов, Умарқул Жўрақулов, Мустафоқул Умурзоқов ва бошқаларнинг номини ким билмайди дейсиз! Улар пахтакорлар элининг фахрли келажаги, шонли умиди! Уларнинг сафида ва қанотида ҳали номи кўпчиликка таниш бўлмаган пахтазор лочинлари қанот қоқмоқда. Пахтазор осмони ҳадемай уларнинг парвози, жўшқин ҳайқириғи билан тўлиб-тошажак. Лочинлар изидан лочинлар учаверади, улар парвозидан сиз ва биз шодланаверамиз, «оқ олтин» тоғимиз юксалаверади, қалбимизда ҳарорат қайнайверади. Қалбимиз ҳарорати сенга армуғон бўлсин, ардоқли «оқ олтин»имиз. Боболаримиз нон каби кўзга суртган, ҳар толасини ердан битталаб кўтарган, ҳар чигитини чаноғидан битталаб ситиб олган азиз пахтамиз — сенсан! Қалбга ҳарорат берган, йўргаклаб ердан кўтарган, беланчагимизни арқон бўлиб тебратган — сенсан! Жаҳонда биринчи бўлиб Ойга йўл солган «Луноход»да сенинг зарбинг бор, асрий Арктикага биринчи бўлиб из солган совет музёрарида сенинг қувватинг бор, Советлар элининг жаҳон миқёсидаги сиёсий-иқтисодий салтанатида сенинг муносиб ўрнинг бор, иззатинг бор!

Қуёш ҳамон ҳароратсиз нур сочмоқда. Саратонда очилмаган, аямажизда сочилмаган Қуёшдан эҳтимол эндиги талаб ва умид ҳам ортиқчадир. Қуёшнинг милтиллаб турган шу дақиқаси ҳам ғанимат. Лекин қуёш бизга ҳарорат мезони эмас. Инсоният аллақачон унга қараб соатини тўғриламай қўйган. Биз пахтани «Қуёш фарзанди» деймиз. Бу ҳам рамзий маънодаги гап. Пахтани бизга қуёш эмас, тақдир берган. Минг йиллик тақдиримизда пахтанинг излари бор. Бу из боболаримиздан бизга ўтган, муқаддас мерос, муқаддас касбга айланган. Боболарни эсласак, биз пахтани кўзимизга суртамиз ва аксинча, пахтани кўзга суртсак, боболар — шу буюк касбни бизга ишониб қолдирганлар хокини кузга суртган бўламиз. Улар руҳи оқ ва беғубор пахтамиз бизни ойдин келажак сари етаклагувсидир.

Осмонда ҳамон ҳарорат кам. Бошимиздан кузнинг биринчи томчилари томиб ўтди. Ҳамон синоптиклар жумбоқли бош силкитмоқда. Осмон ҳеч кимга ҳарорат ваъда қилолмайди. Шундай экан, биз ҳам ундан на ҳарорат, на мурувват кутганимиз бўлсин!

Ҳар тонг Сир бўйидан Аму соҳиллагача бўй чўзган миллион-миллион гектарлик Ўзбекистон пахтазорларига минг-минглаб шоввозлар йўл олади. Улар орасида ёшлар ҳам бор, фарзандларига қувват бўлай деб отланган отахон, онахонлар ҳам бор. Ҳамма-ҳаммани қутлуғ ва покиза бир ният бирлаштирган: Ватаннинг ноёб «оқ олтин» бойлигини тезроқ йиғиб-териб олиш — мақсадимиз. Уларни яна бир фазилат бирлаштирган — бу қалбдаги ҳарорат туйғусидир. Шу кеча-кундузда ўзбек юртининг пахта билан боғлиқ барча меҳнат вахтасида бир акс-садо янграйди: ҳарорат, ҳарорат, ҳарорат... У деҳқоннинг қалбида жўш урмоқда, ундан пахтазорга — чаноқларга кўчиб, чаманзорлар кўзини очмоқда, бункерларни тоширмоқда, Ватан хазинасини бойитмоқда!

Мана сизга олам-олам ҳарорат, хирмонингизга сиққанича олинг! Кучингиз етганича тарозига тош қўйинг — пахтакорнинг қалб қўри бу! Туганмас кон, битмас хазина бу!

Тарихда инсоният яратган буюк мўъжизаларнинг чексиз рўйхати бор: биров илк бор оташни ихтиро этган, биров илк бор камон ясаган, кимдир пахтани кашф этган. Булар ўз ўрнида буюк ихтиролар эди ва шундай бўлиб қолади. Лекин тарихни рад этмаган ҳолда, шуни қайд этиш лозимки, ҳеч ким ҳали ерда Қуёшни кашф этолмаган. Бизнинг давримизда, бахтли Советлар замонида, нурли Ўзбекистонда, коллективнинг буюк қудрати она Ерда ҳарорат яратишдек буюк ихтирога олиб келди! Советлар мамлакатининг асосий пахта базаси — Ўзбекистонда тарих ана шу кашфиётни қайд этса ажаб эмас! Инсониятнинг ихтиролар хазинаси яна бир буюк қайд билан бойиди. Уни бош ҳарфлар билан шундай битдилар: «Ҳарорат, ҳарорат, ҳарорат...»

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Нурали ҚОБУЛ.

КОРХОНАНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИ ИШГА ТУШДИ

Шўрчида қурилаётган ғалла маҳсулотлари комбинатида 78 минг тонна дон сиғадиган элеватор ва бир соатда 32 тонна дон қуритиш қувватига эга бўлган сушилка фойдаланиш учун топширилди. Бу билан корхонанинг биринчи навбатини қуриш ниҳоясига етди.

Бош пудратчи — «Спецэлеватормежстрой» трестининг учинчи қурилиш поезди коллективи корхонанинг иккинчи навбати — бир суткада 600 тонна ун тортадиган тегирмон қурилишида иш олиб бормоқда. Бу тегирмон 1980 йилда ишга туширилиши лозим. Корхона ишчилари учун посёлка ҳам барпо этилмоқда.

Шўрчидаги бу комбинатга элеватор ва тегирмондан ташқари бир суткада 500 тонна омихта ем ишлаб чиқарадиган завод ҳам киради. Бу комбинат республикада ана шундай типдаги энг йирик корхоналардан бири бўлади.

(ЎзТАГ).

ШОЛИКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Хоразм области далаларида шоли ўрим-йиғими қизғин тус олмоқда. Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхоз коллективи ялпи ҳосилни 23 минг тоннага етказиш, давлатга 19 минг тонна шоли сотиш мажбуриятини олган. Шу кунларда шолипояларда 96 комбайн, 37 жатка, 70 та тележка ишлаб турибди. Тозаланган шоли тайёрлов пунктларига пешма-пеш жўнатилмоқда. Ҳар куни тайёрланадиган шоли миқдорини 1000 тоннага етказиш режалари белгиланди.

Гурлан районидаги «Гулистон», «Янгиобод», Ҳазорасп районидаги Ленин номли совхозларда ҳам шоли ўрим-йиғими авж олдирилмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Ўзбекистон жамоатчилиги Германия Демократик Республикаси ташкил этилганлигининг 29 йиллигини нишонламоқда.

6 октябрь куни Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг клубида шонли сана муносабати билан уюштирилган тантанали йиғилишга республика пойтахти жамоатчилигининг намояндалари келишди. Йиғилишда Германия— Совет дўстлиги жамияти Марказий правлениесининг делегацияси иштирок этди.

Тарихий сана шарафига Тошкентда Германия Демократик Республикаси китоблари декадаси ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ИЛҒОР УСУЛ

● ГАВАНА. Куба портларида қанд-шакарни қопсиз ортиш тобора оммалашмоқда. Экспорт учун мўлжалланган қанд-шакар ортилаётган причаллардаги қопларнинг уюми эндиликда кўринмаяпти. Ҳозирги вақтда уларнинг ўрнини транспортерларнинг узун ленталари эгалламоқда. Бу транспортерлар қанд-шакарни бевосита кемаларнинг трюмларига тўхтовсиз етказиб бериб туради.

Янги илғор усул анча тежамли: у анъанавий усуллар вақтида муқаррар бўлган қайта-қайта юклашни тугатиш имконини беради, ишлаб чиқариш жараёнини соддалаштиради. Тажриба шуни кўрсатдики, янги усулдан фойдаланганда масалан, 16 минг тонна ҳажмли кема ўрта ҳисобда бир суткага қолмай юклаб бўлинади, ваҳолонки, худди шундай кемага «эскичасига» қоплар юклаш учун камида 5-7 сутка талаб қилинади.

СССРнинг СОҲИЛЛАРИГА

● БЕЛГРАД. Югославиянинг Риека шаҳри кемасозлари қурган катта ҳажмли танкер Совет Иттифоқи соҳиллари томон йўл олди. Бу кемага халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Клемент Готвальд номи берилди.

40 минг тонна юк кўтара оладиган янги танкер тез орада Латвия денгиз пароходчилиги флотига келиб қўшилади. Бундан аввал риекалик кемасозлар совет буюртмачисига худди шу туркумдаги учта танкерни етказиб берган эдилар.

ОЛДИНГИ МАРРАЛАРГА

● БУДАПЕШТ. Венгрия станоксозлари кейинги йилларда халқаро миқёсда зўр таҳсинга сазовор бўлдилар. Уларнинг маҳсулоти жаҳон станоксозлигининг бир қанча катта виставкаларида совринлар ва мукофотлар билан тақдирланди.

Республика халқ хўжалигининг шу соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми ўн беш йил ичида уч баравардан зиёд кўпайди. Ҳозирги вақтда ВХР корхоналари станокларнинг 150 га яқин ҳар хил турларини ишлаб чиқармоқда. Буюмларнинг қарийб 85 проценти экспортга жўнатилмоқда. Бу станоклар ғоят харидоргирлигининг боиси аввало шундаки, конструкторлар станокларнинг замонавий типларини, шу жумладан рақам билан бошқариладиган типларини пойиҳалашга ўтдилар. Кейинги йилнинг ўзидагина станокларнинг салкам 50 та янги модели яратилди, булар кўпгина чет эллик мутахассисларда қизиқиш туғдирди.

МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР ВИСТАВКАСИ

● ПРАГА. Литомержиц шаҳрида «Чехия боғи» мева ва сабзавотлар умумдавлат виставкаси ўз ишини тугатди. Виставкада боғдорчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар намойиш қилинди. Ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги кооперативлари билан давлат хўжаликлари айниқса катта муваффақият қозонди. Мева ва резавор маҳсулот етиштирувчи «Кутнагора» агрокорхонаси виставканинг асосий мукофотларидан бири — «Биллур олмалар» мукофотини олди. Бу корхонанинг хўжалигида салкам 1000 гектар боғ, 6 минг тонна маҳсулот сиғадиган музхоналар, ихтисослаштирилган омборхоналар, маҳсулотни қайта ишлайдиган қувватлар бор.

(ТАСС).

Кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболлари халқаро иқтисодий муносабатларни кенгайтириш билан чамбарчас боғланган. Ўтган ҳафтадаги воқеалар Ғарбдаги ўта ўнг ва реакцион доиралар социалистик давлатлар билан капиталистик давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик асосларига путур етказиш учун беҳуда уринаётганлигига қарамай, бу жараённи бартараф қилиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Европада хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи акти қоидаларини амалга ошириш йўлида зўр бериб қилаётган ҳаракатлари туфайли бу қитъада кескинликни юмшатишнинг самарали натижалари жуда яққол сезилиб турибди. Масалан, кейинги бир ярим йил ичида СССРнинг Англия билан ташқи савдо обороти 40 процентдан зиёд, Франция билан қарийб 25 процент, Авс-

САВДО-СОТИҚ КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ ХИЗМАТИДА

трия билан 17 процентдан кўпроқ ўсди.

Илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи доимий Совет—Франция аралаш комиссиясининг Парижда бўлиб ўтган XIII сессияси якунлари Европа ҳамкорлигини мустаҳкамлашга янги ҳисса қўшди. Томонлар 1975 йилдан тортиб 1978 йил 1 октябригача товар оборотини аввалги беш йилдагига нисбатан икки баравар оширишдан иборат мақсадга эришилганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Олий даражада ўтказилган икки Совет—Француз учрашувида ана шу мақсад кўзда тутилган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Франция республикасининг президенти В. Жискар д'Эстэн ўртасида олий даражадаги учрашув натижасида 1977 йил 22 июнда қабул қилинган Совет—Франция декларациясига мувофиқ, экономика ва саноат соҳасида Совет—Франция ҳамкорлигини чуқурлаштириш юзасидан 1990 йилгача узоқ муддатга мўлжалланган янги программанинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Европадаги бошқа мамлакатлар билан ҳам амалий алоқалар муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Испания ўртасида тузилган савдо битими қандай бажарилаётганлигини текшириш юзасидан ҳар икки мамлакат аралаш комиссиясининг тўртинчи мажлиси Мадридда ўтказилди. Бу мажлисда 1977 йилда ва шу йилнинг ўтган даврида товар обороти ўсиб борганлиги мамнуният билан таъкидланди. СССР билан савдо-сотиққа ёрдам берувчи Швеция комитетининг ўн йиллиги муносабати билан Стокгольмда тантанали мажлис бўлди. Ана шу комитетнинг ғайрат-шижоати туфайли Швеция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо-сотиқ 4 баравардан зиёд ортди.

Халқаро савдо палатасининг Қўшма Штатларда бўлиб ўтган 26-конгресси ҳам социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқни ривожлантиришга катта эътибор берди. Палатанинг президенти Я. Макгрегор жумладан, қуйидагиларни уқтириб ўтди: Америка бизнеси вакилларининг яқинда Москвада Л. И. Брежнев билан учрашганлиги ҳар икки томон Совет—Америка савдо-иқтисодий алоқаларини нормаллаштиришни истаётганлигини намойиш қилди. Биз, деди у, бундай ҳамкорликни актив қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқининг позициясига юксак баҳо берамиз. Бундай ҳамкорлик ҳар икки мамлакатга ҳам, бутун жаҳонда тинчлик ишига ҳам наф келтиради.

Ливан пойтахти Байрутда кескин аҳвол ҳамон сақланмоқда. Суратда: Байрут шаҳрининг кўринишлари.

ТАСС фотохроникаси.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЛИВАНДА КЭМП-ДЭВИДНИНГ АКС-САДОСИ

АҚШ, Исроил ва Мисрнинг араб халқларидан пинҳона тутиб тузган маҳфий битими натижалари Ливанда қонли акс-садо берди. Ливаннинг ўнг христиан реакцион кучлари Садатнинг таслимчилик сиёсатидан ва исроиллик агрессорга яна ён берганлигидан илҳомланиб, Байрутда иғвогарлик мақсадида қуролли тўқнашувларни яна бошлаб бердилар. Уларнинг раҳбари — консерватив «Ливан фронти»нинг раиси К. Шамун Ливан маъмурлари араб мамлакатлариаро кучлар мандати муддатининг узайтирилишидан воз кечсинлар, деб қатъий талаб этди. Гражданлар урушини тўхтатиш мақсадида ана шу кучлар бу мамлакатга келтирилган эди. Бу кучлар асосан Сурия ҳарбий қисмларидан иборат.

Шамун демагоглик билан ўз «фронти»нинг мақсадини эълон қилди. Бу мақсад — «Суриянинг сўнгги солдати Ливан еридан чиқиб кетмагунча» курашни давом эттиришдан иборат. Аммо Шамунни қўллаб-қувватлаётганларнинг ғаразли ниятлари ана шундай разил шиор замирида яшириниб ётибди. Ўнг христиан кучларнинг ана шу қуролли иғвогарлиги Ливан масаласи юзасидан АҚШ, Исроил, Миср, Саудия Арабистони ва Ливаннинг иштироки билан халқаро конференцияни чақиришни таклиф этган АҚШнинг «ташаббуси» билан бир вақтга тўғри келганлиги бежиз эмас.

Ливан Компартияси Бош секретарининг ўринбосари Ж. Хауи ана шу найрангнинг чин моҳиятини фош қилиб, бундай деди: «Кэмп-Дэвиддаги кенгаш қарорларини бажариш юзасидан шундай найранг ишлатилди» ва бундан кузатилган мақсад — Исроилнинг Ливан ишларига аралашувига қонуний тус бериш ва Ливан кризисини бартараф қилишда Мисрни «қатнаштириш»дан иборат. Империалистларнинг барча режалари каби, АҚШнинг таклифи ҳам, деб таъкидлади Хауи, Ливанга қуролли тўқнашувлар ва хунрезликдан бошқа ҳеч нарса олиб келиши мумкин эмас. Ливан халқи бу таклифни қатъиян рад қилади ва ўзининг ички ишларига аралашишни тўхтатишни талаб этади.

Ливан пойтахтидаги бир қанча кварталлар култепага айлантирилди, неча юзлаб киши ўлдирилди, минг-минглаб кишилар жароҳатланди. Кэмп-Дэвидда араб халқларига, Фаластин қаршилик ҳаракатига қарши, Яқин Шарқдаги тараққийпарвар режимларга қарши қилинган фитнанинг дастлабки натижалари ана шундай. Исроил ҳарбий кемалари 5 октябрь куни араб давлатлари кучлари ва Фаластин қаршилик ҳаракати позицияларига қарата ўт очиб, Байрутни тўпга тутганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Шундай қилиб, Исроил суверен мамлакатнинг соф ички характердаги ишларига қуролли аралашиб, можаронинг бевосита қатнашчисига айланди. Ливаннинг миллий ватанпарвар кучлари империализмнинг иғволарига қатъий зарба бермоқдалар ва хунрезлик тўхтатилсин, деб талаб этмоқдалар.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

ЭРОНДА ҒАЛАЁНЛАР

ТЕҲРОН, 7 октябрь. (ТАСС). Теҳрон ва Эроннинг бошқа шаҳарларида иш ташлашлар бошланиб кетди. Кейинги кунларда минглаб ишчилар ва хизматчилар иш ҳақи оширилишини, меҳнат шароити яхшиланишини, медицина таъминоти ва уй-жой шароитлари яхшиланишини талаб қилиб ишни тўхтатдилар.

«Кейҳан» газетасининг хабар беришича, почта, телеграф ва телефон, маданият ва санъат, савдо-сотиқ министрликлари хизматчиларининг, тамаки компанияси, Қизил шер ва қуёш жамияти ҳамда бошқа кўп ташкилотлар ишчиларининг забастовкаси давом этмоқда.

Хуррамобод шаҳрида маҳаллий ўқув юртларининг муаллимлари забастовка эълон қилдилар. Полиция уларнинг намойишини тарқатаётиб кўп кишиларни қамоққа олди. Шаҳарнинг минглаб аҳолиси полициянинг ҳаракатларига қарши норозилик билдириб кўчаларга чиқди.

Эроннинг ғарбидаги Кермоншоҳ шаҳрида кескин вазият сақланиб турибди. Бу ерда бир неча кун мобайнида оммавий намойишлар давом қилди. «Кейҳан» газетасининг хабар беришича, бу намойишларда 30 мингдан ошиқ киши қатнашди. Армия бўлинмалари ва жандармерия намойишларни тарқатишга ташланди. Шаҳар кўчаларида танклар, бронетранспортёрлар юрибди. Намойишчилар орасида ўлдирилган ва жароҳатланганлар бор, полиция томонидан кишилар қамоққа олинди.

Юнус Ражабий туғилган кунининг 80 йиллигига

МАШҲУР БАСТАКОР

Юнус Ражабий деганимизда кўз олдимизда асрий мусиқа санъатимизнинг улкан билимдони ва алломаси, республикамизда музикали театр пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйган улкан ижодкорлардан ва ташкилотчилардан бири, сохир овозли хонанда, намоён бўлади.

Юнус Ражабий Тошкентда, оддий ҳунарманд оиласида туғилди. Музикага, санъатга қизиқиш унинг қалбида жуда эрта куртак ёйди. У болалик чоғларидаёқ тошкентлик машҳур хонанда ва созанда Тўйчи ҳофиз, Шобарот ва Шожалил ҳофизларнинг иштироки билан ўтадиган мусиқа кечаларини кўришга, уларнинг қалбларни мафтун этадиган қўшиқларини тинглашга муяссар бўлди. Ана шу устозлар таъсирида созандалик ҳунарини эгаллади. «Эшвой», «Чаманда гул», «Курд» сингари халқ куйларини ўрнига қўйиб, ижро эта бошлади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Юнус Ражабий ижодий фаолиятининг барқ уриб гуллаб-яшнашига шароит яратди. У 1919 йилда Тошкентда очилган Халқ консерваториясида ўқиди. Шораҳим Шоумаров, Абдусоат Ваҳобов каби моҳир созанда ва ҳассос педагоглар қўлида таҳсил кўрди, халқнинг бой ва ниҳоятда ранго-ранг мусиқа санъати билан чуқур танишди. Худди мана шу пайтларда дастлабки ўзбек совет драматургларидан бири Шамсиддин Хуршид улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида музикали драма текстини тайёрлади. Бу асарга бастакор Шораҳим Шоумаров ва Юнус Ражабийлар куй басталади. Шу тариқа санъатимиз тарихида биринчи ўзбек музикали драмаси пайдо бўлди.

Юнус Ражабий «Фарҳод ва Ширин» мавзуига бир неча бор мурожаат қилди ва Улуғ Ватан урушидан кейин мазкур музикали драмага у Георгий Мушель билан ҳамкорликда куй басталади. Шундан кейин у «Қўчқор Турдиев», «Қасос», «Нодира», «Муқанна» каби спектаклларга ҳам музика яратди. Юнус Ражабий ижодий фаолиятида ўзи яхши билган халқ мусиқий хазинасидан унумли ва моҳирона фойдаланди.

Бастакор ўзбек совет опера санъатини ривожлантиришга ҳам баракали ҳисса қўшди. У музика ва театр шинавандалари муҳаббатига сазовор бўлган «Зайнаб ва Омон» операсининг муаллифларидан бири эди.

Юнус Ражабий созанда сифатида ҳам халқ ичида машҳур эди. Дутор, танбур ва най каби чолғу асбобларини, халқ созларини бекиёс маҳорат билан чаларди. «Омонёр», «Ажам» куйларини чалганда дилларни симобдек эритиб юборарди.

Юнус Ражабий республикамизнинг музика ҳамда театр ҳаёти тараққиётининг ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам катта ишлар қилди. 1925 йилдан бошлаб у Самарқанддаги музикали драма театрида музика раҳбари бўлиб ишлади. Худди шу шаҳардаги Педагогика институтининг халқ чолғу асбоблари ансамблига бошчилик қилди. 1927 йилда эса Юнус Ражабий Ўзбекистон радиоси қошида миллий ансамбль тузиш каби масъулиятли вазифани бажарди. Мазкур ансамбль иштирокчилари қаторида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Имомжон Икромов, Риҳси Ражабова, Шораҳим Шоумаров, Карим Зокировлар бор эдилар. Кейинчалик ушбу ансамблга Домла Халим Ибодов ҳам жалб этилди ва у ижро этган «Насруллои», «Талқини ушшоқ», «Қашқарчаи сарвиноз», «Бухоро тўлқини», «Мўғулчаи дугоҳ» каби шашмақом намуналари ансамбль репертуарини янада кенгайтирди. Бу ансамблга ўша пайтларда хотин-қиз ашулачилар ҳам жалб этилиши санъатимизнинг кейинги ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ансамбль ижрочиларининг программаси фақатгина классик ва халқ қўшиқларидан иборат бўлибгина қолмай, маҳаллий мелодист-композиторлар яратган асарлар ҳисобига ҳам кенгая борди. Юнус Ражабий ҳам ана шу вақтларда «Бирлашинг», «Фабрика», «Ҳаммамиз» сингари қўшиқлар яратди. Бу қўшиқларда янги замон, озодлик, тенглик, бахт-саодат, эркин ҳаёт нашъаси тараннум этиларди. Бастакор ўзининг «Фабрика» номли қўшиғида ишчилар синфини мадҳ этди. Кейинчалик Юнус Ражабий «Қаҳрамонлар мадҳи», «Ватан», «Ўзбекистон», «Ўлкамиз», «Ер келди», «Халқлар дўстлиги», «Сирдарё», «Соғинганман», «Шодлик» каби эҳтиросли, сержило ва сертўлқин ашулаларни яратди. Кўпгина шоирларимиз билан ҳамкорликда яратилган мазкур қўшиқларда Ватанга муҳаббат, жангларда матонат ва жасорат кўрсатиш мотивлари, вафо, поклик, меҳнат, социалистик воқелик мавзулари ўз ифодасини топди. Бу қўшиқлардан талайгинаси Ватанимиз пойтахти Москвада ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси кунларида, қардош республикаларда ўтказилган музика санъати ҳафталикларида, Ўзбекистонда ташкил этилган санъат байрамларида, каналлар қазиш, қўриқ ерларни ўзлаштириш кампаниялари вақтида хонандалар ва созандалар ижросида жаранглади.

Юнус Ражабий ўз санъаткорлик маҳоратини такомиллаштириш устида ҳамиша меҳнат қиларди. У 1936 йилда Тошкентдаги Консерваториянинг композиторлик бўлимига ўқишга кирди. 1940 йилда эса Москвага бориб таниқли рус композиторлари бошқарган мелодист-композиторлар учун ташкил этилган курсда таҳсил кўрди.

Юнус Ражабий ҳақиқий интернационалист бастакор сифатида ўз асарларини кўпинча қардош халқлар вакиллари бўлган таниқли композиторлар билан ҳамкорликда яратди. Унинг Георгий Мушель, Борис Бровцин, Борис Надеждин, Борис Гиенко, Зейдманлар билан биргаликда яратган музикали драмалари, опера асарлари, рақс сюиталари ва кўпдан-кўп қўшиқлари бунинг ёрқин мисоли бўла олади.

Юнус Ражабий ажойиб хонанда ҳам эди. Унинг ижросидаги кўпдан-кўп халқ ашулалари тингловчилар қалбини ҳамиша ром этиб келган. У ўзи ижро этган «Ушшоқ», «Кошки» каби ўлмас, инсон қалбига роҳат бахш этадиган ашулалари билан халқимизнинг машҳур ҳофизлари қаторидан ўрин олди.

Юнус Ражабийнинг энг мураккаб, заргарона ишларидан яна бири шундан иборатки, у бутун умри мобайнида ўзбек халқ куйларини тўплаб, ёзиб келди. Унинг беш томлик «Ўзбек халқ музикаси» китоблари, «Шашмақом»нинг олти томлиги ана шу катта изланишларнинг бебаҳо самарасидир.

Бастакорнинг ташаббуси билан республикамизда мақомчилар ансамбли тузилди ва ўзи унга умрининг охиригача раҳбарлик қилди. У санъатимизда кўпдан-кўп истеъдодли шогирдларни тарбиялаб етиштирган улкан мураббий эди.

Партия ва ҳукуматимиз Юнус Ражабийнинг ўзбек совет музикаси, театр санъати тараққиётига қўшган хизматларини юксак баҳоладилар. Унга Ўзбекистон ССР халқ артисти унвони берилди. Ҳамза номли республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. У Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланди. Икки марта республика Олий Совети депутатлигига сайланди. Юнус Ражабий Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги эди.

Халқ маданияти ва санъатининг чинакам фидойиси, ижтимоий бурчига ҳамиша садоқатли, талантли бастакор ва олим, таниқли хонанда ва созанда Юнус Ражабий ўзининг умрбоқий ижоди, юксак инсоний фазилатлари, устозлик салоҳияти билан ҳамиша халқ меҳрига сазовор бўлиб қолаверади.

Б. НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Театр жамияти президиуми раисининг ўринбосари, театршунос.

САМО АЖОЙИБОТЛАРИ

ЮЛДУЗЛАР «ЁМҒИРИ»

8—10 октябрь кунлари тунда осмонда ажойиб ҳодиса содир бўлади. Айниқса 9 октябрь тонг отишидан сал олдин осмонни кузатсангиз бир қанча «учар юлдуз»ни (ҳаво очиқ бўлса) кўришингиз мумкин. Якка «учар юлдузни» тунда кўрмаган одам бўлмаса керак.

Ташқи кўринишидан юлдузга ўхшаш жисмнинг учиб сўнг сўниши, камдан-кам ҳолларда улардан бирортасининг Ер юзига етиб туша олишлиги қадимдан маълум. Лекин бундай жисмнинг ҳақиқатда юлдуз эмаслиги ҳозир барчага аён.

Илмий-тадқиқотларга кўра, сайёралараро фазода кўпдан-кўп майда жисм зарралари мавжуд. Кичик сайёралар (астероидлар), кометалар ва турли йўлдошлар қолдиғи уларнинг манбаи ҳисобланади. Зарралар якка-якка ёки ғуж-ғуж бўлиб, оқим тарзида ҳаракат қилади. Ернинг тортиш кучи таъсиридаги майдон яқинидан ўтган зарралар сайёрамиз атмосферасига космик тезликда (секундига 11—72 км) кириб келиб, ҳаво қатламларида ишқаланиб ёниб кетади. Ёнаётган зарра ёруғ из қолдириб, тезда сўнади. Шу сабабли уларни «учар юлдузлар» деб атаймиз. Умуман бу зарраларга метеорлар деб ном берилган. Метеорнинг чўғланиб ёниши Ер сиртига яқинлашган сари кучайиб боради. Ёниб тугаши унинг массасига боғлиқ. Одатда метеорлар бир неча граммдан бир килограммгача оғирликда бўлиб, атмосферанинг Ер сиртидан 70—100 километр баландликда ёниб тугайди. Ҳисобларга кўра, бир кеча-кундузда Ер атмосферасига юз миллионга яқин метеор кириб, уни ионлаштириш жараёнида қатнашади.

«Учар юлдузлар» — метеорлар гоҳида якка ҳолда кўринса, йилнинг маълум вақтларида осмоннинг бирор нуқтасидан бир ғуж оқим тўсатдан сочилиб чиқиш ҳодисаси ҳам тез-тез учраб туради. Самодаги бу нуқта метеор оқимининг радианти дейилади. Ҳозирги вақтда 50 га яқин метеор оқими кузатилади. Астрономик кузатишлар ёрдамида метеор оқимлари қуёш атрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳаракат қилиши аниқланган.

Метеорлар оқими яқинида ёки орбитасида кўпинча бирор комета—«думли юлдуз»ни кўриш мумкин. Баъзи маълумотларда айтилишича комета узоқ вақт метеор оқими билан бўлиб, кейинчалик аста-секин кўринмай кетади. Бундан метеор оқимлар асосан кометаларнинг парчаланиши туфайли вужудга келади деган хулоса чиқарилган.

Юқорида айтиб ўтилган, 8—10 октябрь кунлари, Ер Жакобини — Циннер кометасининг орбитаси яқинидан ўтади. 9 октябрь маҳаллий вақт билан соат 8, 48 минутда оралиқ масофа энг қисқа бўлиб, у 150.000 километрни ташкил этади. Лекин орбитанинг бу нуқтасига кометанинг ўзи 127 кундан сўнг етиб келиши керак. Ушбу комета билан эса метеорларнинг Драконид оқими физикавий жиҳатдан ўзаро боғлиқ. Унинг радианти шимолий қутб юлдузига яқин бўлган Аждар юлдуз туркумидаги ёрқинлиги бўйича учинчи ўринда турадиган юлдуз томон йўналган.

Драконид оқими энг ёш оқимлардан (ёши тахминан 120 йил). У ҳали тамомила барпо бўлгани йўқ. Бу оқимнинг қалинлиги бир неча юз минг километрни ташкил этади. Ҳисобларга кўра, Драконид оқими массасининг асосий қисми кометанинг олди томонида жойлашган. Шунинг учун унинг Ер билан яқинлашуви асносида анча маълумотлар олиш мўлжал қилинмоқда. Охирги маротаба бундай учрашув 1972 йилда содир бўлган эди.

Метеор оқимининг ҳаракати, фазодаги тақсимланиши, зичлиги, унинг Ер атмосферасидан ўтган зарралари сони, спектри ва бошқа қатор параметрларини аниқлаш космосни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Бу ишда фотография, радиолокация ва бошқа усуллар қўлланилади. «Учар юлдуз» — метеорнинг инсон учун хавфли жойи йўқ. Чунки у Ер томон тушаётганида фақат жуда ёруғ из қолдиради ва анча вақт ўзидан товуш тўлқинларини чиқаради, холос.

С. НУРИТДИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институти катта илмий ходими, физика-математика фанлари кандидати.

САМАРҚАНДДА МУЗИКАШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

«Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари оғзаки анъанавий профессионал музикаси ва замонавийлик» халқаро симпозиуми ўз ишини тамомлади. СССР миллий музика комитети ва ЮНЕСКО ҳузуридаги халқаро музика кенгаши томонидан ташкил этилган бу анжуманда Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари, Қозоғистон намояндалари, Жазоир, Афғонистон, Бангладеш, ГДР, Миср, Ҳиндистон, Марокаш, Монголия, Польша, Сурия, Тунис, Туркия, Чехословакия, ГФРдан келган олимлар ва анъанавий музика ижрочилари иштирок этдилар. Музика маданиятларини ўзаро айирбошлаш ва ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди.

Шу кунларда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъанавий музика фестивали бўлиб ўтди. Симпозиум иштирокчилари симфоник ва хор музикаси концертини зўр қизиқиш билан қабул қилдилар. Бу концертда совет композиторларининг асарлари янгради. Совет композиторлари ўз ижодида халқ музика меросининг энг чуқур қатламларига мурожаат қилмоқдалар.

ЮНЕСКО ҳузуридаги халқаро музика кенгашининг президенти Жон Робертс музикашунослар Самарқанд учрашувининг якунларини шарҳлаб берди.

Симпозиум ўзининг асосий вазифаси — шарқ халқларининг музика маданиятларини ўзаро бойитишга, руҳий жиҳатидан бир-бирига яқин ва шакли жиҳатидан турлича бўлган шарқ халқлари музика маданиятларини ўзаро бойитишга ёрдам бериш вазифасини муваффақиятли бажарди. Симпозиумда бўлиб ўтган мунозараларнинг юксак илмий даражада бўлганлиги, профессионал ижрочилик маҳоратининг юксак даражаси — буларнинг ҳаммаси жаҳон музика жамоатчилигининг эътиборини симпозиумга қаратди.

Биз Совет Иттифоқининг ҳамма ерида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам халқ музикасининг гўзаллик жиҳатидан асло тенги йўқ халқ анъаналари авайлаб сақланаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Биз бу ерда ўсиб келаётган авлод жуда ёшлик чоғиданоқ ўзига санъат анъаналарини, шу жумладан музика анъаналарини сингдираётганлигини кўрдик. Менинг фикримча, болаларни ёшлигиданоқ музикага меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш халқ музикаси анъаналарини соф сақлаш имкониятини беради, санъатнинг янада равнақ топишига ёрдам беради.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

САМАРҚАНД, 6 октябрь. (ЎзТАГ). Туниснинг Самарқанд билан биродарлашган Кайруан шаҳри делегацияси бу ерга келди.

Меҳмонлар Самарқанд ҳаёти билан танишдилар, унинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларини кўздан кечирдилар, шаҳар Совети депутатлари билан суҳбатлашдилар. Биродарлашган шаҳарларнинг вакиллари дўстона алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

Кайруан вилоятининг губернатори Муҳаммад Хеди Алия ва Кайруан мэри Муҳсин Аттала матбуот учун берган баёнотида самарқандликлар билан бўлиб ўтган учрашувлардан делегация ғоят мамнун эканлигини, бу визит биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқани янада кенгайтиришга ёрдам беришига амин эканликларини айтдилар.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

АНДИЖОНЛИК ҚИЗЛАР МАҲОРАТИ

Республика пойтахтининг «Текстильщик» стадионида аёллар командалари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақасининг якунловчи учрашувлари ўтказилмоқда. Ғолиблик учун Москва, пойтахт области ва горькийлик спартакчилар, Москва жисмоний тарбия институти спорт клуби, Тошкентнинг «Университет» ҳамда «Андижанка» командаси қизлари ўзаро куч синашишмоқда. Ҳозирча аёллар ўртасида спортнинг чим хоккей турини бошлаб берган ва оммалашишига йўл очган андижонлик хоккейчилар учрашувларни мағлубиятсиз давом эттирмоқдалар. Улар москвалик спартакчилар билан ўтказилган учрашувда дарвозага жавобсиз учта тўп киритиб, ғалаба қилишди. Горькийлик спартакчилар билан учрашувда 3:0 ҳисобида муваффақият қозондилар. Москва областининг «Спартак» коллективи билан ўйинда дарвозага ягона тўп киритган вакилларимиз учинчи ютуққа эришдилар. Шундай қилиб, андижонлик қизлар ҳисобидаги очколар 6 тага етиб, ягона пешқадам бўлиб турибдилар.

СУВ ТЎПИ:

БИР ОЧКО ҚИММАТИ

Тошкентнинг «Меҳнат» командаси мамлакат чемпионати охирида хавфли вазиятга тушиб қолди. 12 коллектив орасида ўнинчи ўринни эгаллаб турган вакилларимиз ҳисобида 16 та очко бор эди. Олий лигада қолиш учун даъвогарлик қилаётган Харьковнинг «Локомотив» коллективи эса 14 та очко тўплаганди. Агар тошкентликлар сўнгги ўйинни бой бериб, темирйўлчилар ғалабага эришишганда, «Меҳнат» ватерполчиларига олий лига билан хайрлашишга тўғри келарди. Лекин, спортчиларимиз бўш келишмади. 35 очко билан мамлакат чемпиони бўлган ЦСК ВМФ командаси билан сўнгги ўйинда (8:8) очко бўлашилди. Шундай қилиб, ана шу ягона очко «Меҳнат» командаси олий лигачилар сафида қолишига имкон берди.

ВЕЛОПОЙГА:

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧДА

Мамлакат чемпионати — «Социалистическая индустрия» газетаси соврини учун ўтказилган кўп кунлик велосипед пойгаси мусобақалари охирлади. Шахсий ҳисобда РСФСР вакили С. Сухорученко пешқадамлик қилди. Умумкоманда ҳисобида ҳам россиялик велосипедчилар ғолиб бўлдилар. Пойгада республикамиз вакиллари ҳам дуруст қатнашдилар. Чунончи, М. Первеев саккизинчи босқичда бронза медалига сазовор бўлди. Сўнгги ҳал қилувчи босқич пойгасида у маррага иккинчи бўлиб келиб кўксига кумуш медаль тақди. Унинг командадоши Ш. Заҳриддинов мазкур босқичда бронза медалини қўлга киритди. Якунловчи пойгада велосипедчиларимиз команда ҳисобида биринчи бўлишди.

Чим хоккей бўйича аёллар командалари ўртасида ўтказилаётган мусобақалар мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Айниқса, «Андижанка» командасининг муваффақиятлари диққатга сазовор бўляпти. Суратларда: «Андижанка» қизлари ҳужумда. Чапда андижонлик хоккейчилар устози М. Ким шогирдларига ўгит бермоқда.

Л. Гусейнов фотолари.

Абдурауф БОЛТАЕВ

Муқимий номли Ўзбек давлат музикали драма театрининг кекса актёрларидан бири, Ўзбекистон ССР халқ артисти Абдурауф Болтаев оғир касалликдан сўнг 6 октябрь куни 69 ёшида вафот этди.

Абдурауф Болтаев 1909 йилда Каттақўрғонда, ҳунарманд оиласида туғилди. Ижодий фаолиятини 1926 йилда Каттақўрғондаги музикали труппа артисти сифатида бошлади. 1931 йилдан Қарши округ театри директори, Каттақўрғон театрининг бадиий раҳбари ва актёри бўлиб, Самарқанд область музикали драма театрида солист бўлиб ишлади. 1939 йилдан то умрининг охиригача Абдурауф Болтаев Муқимий номли Ўзбек давлат музикали театрининг етакчи актёрларидан бири эди.

А. Болтаев ўз ижодий фаолияти йилларида 200 дан кўпроқ ролларни ижро этди. У Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» асаридаги Умрзоқбой образини, Комил Яшиннинг «Ўртоқлар» пьесасидаги Норбўта, Гаджибековнинг «Аршин мололон»идаги Султонбек, Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра»сидаги Бобохон, Александровнинг «Малиновкада тўй» асаридаги Нечипор, Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» комедиясидаги Полвон, З. Фатхуллин ва Ш. Саъдуллаининг «Ватанга муҳаббат» асаридаги Эшон ва бошқа ролларнинг талантли ижрочиси эди. Абдурауф Болтаев киноактёр сифатида ҳам шуҳрат қозонди, у «Ўзбекфильм» киностудияси фильмларида бир қанча қизиқарли образлар яратди.

Йирик саҳна устаси бўлган Абдурауф Болтаев ёш актёрларнинг меҳрибон ва ғамхўр мураббийси ҳам эди.

Абдурауф Болтаев театр санъати тараққиётидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвонига сазовор бўлди, СССР медаллари, республика Олий Совети Президиуми Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Ўзбек совет театр санъатининг таниқли арбоби, ажойиб инсон ва дўст Абдурауф Болтаевнинг ёрқин хотираси уни билган ва бирга ишлашган кишилар қалбида сақланиб қолади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги,
Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети,
Ўзбекистон Театр жамияти,
Маданият ходимлари касаба союзи республика комитети,
Муқимий номли Ўзбек давлат музикали театри.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Концерт**, 11/Х да **Оламнинг яратилиши** (премьера, билетлар сотилган), 12/Х да **Борис Годунов.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Кўрмайин босдим тиконни,** 11/Х да **Уйланиш,** 12/Х да **Оқшомдан тушгача.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/Х да **Шаҳзода ва етим қиз,** 12/Х да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/Х да **Чандиқлар,** 11/Х да **Ҳаммомга бало борми?,** 12/Х да **Ун саккиз ёшлигим.**

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
11 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
„МЎЪЖИЗАЛАР ЎЛКАСИ“
ЦИРК ТОМОШАЛАРИ
(2 бўлимда)
«СТЕПНЫЕ МАКИ» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

●

Т. Г. ШЕВЧЕНКО НОМЛИ НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш (техника фанлари кандидати), инглиз тили (филология фанлари кандидати), жисмоний тарбия (катта ўқитувчи, доцент).

КОНКУРС МУДДАТИ — 21 ОКТЯБРГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 742005, Нукус шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 3-10-19, 3-12-81.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **8/Х да соат 12, 16 ва 19.30 да «ЭКЗОТИК ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг хайрлашув гастроллари** (ўргатувчи — **РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. ТИХОНОВ**).

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР
1978—79 ўқув йили учун
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун ўрта маълумотлилар ва 10-синф ўқувчилари қабул қилинадилар: ТЕХНИКА, ИНЖЕНЕР-ЭКОНОМИСТЛИК, МЕХАНИКА-МАТЕМАТИКА, ХИМИЯ, ГЕОЛОГИЯ, БИОЛОГИЯ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ЧЕТ ТИЛЛАРИ, РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ЖУРНАЛИСТИКА, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ, ҲУҚУҚШУНОСЛИК.

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

МАШҒУЛОТЛАР УНИВЕРСИТЕТ БИНОСИДА (Студентлар шаҳарчаси) **ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҲАФТАДА УЧ МАРТА: чоршанба ва шанба кунлари — соат 19.00 дан, якшанба кунлари — 10.00 дан бошлаб ўтказилади.**

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **СОАТ 16.00 ДАН 20.00 ГАЧА ТошДУ БОШ КОРПУСИНИНГ «А» БЎЛИМИ, МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИНИНГ 5-ҚАВАТ, 501-ХОНАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

8 ОКТЯБРЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — «Зарядкага сафланинг». 10.00 — «Будильник». 10.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.30 — «Сунбул сочли гўзал Варвара». Бадиий фильм. 12.40 — Бугун — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари куни. 13.00 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 — «Музикали киоск». 14.30 — «Театр спектакли». 17.05—Халқаро панорама. 17.30 — Киносаёҳатчилар клуби. — 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.00 — Ҳужжатли фильмлар. 19.35 — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фильм-концерт. 23.05 — Концерт. 00.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 11.10 — «Ҳаёт — аччиқ ҳақиқат». Спектакль. 12.10 — «Қувноқ стартлар». 13.10— «Садқаи сар». Бадиий фильм. 14.25 — «Шахмат мактаби». 14.55 — «Нафосат оламида». 15.25 — Реклама. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — «Бойчечак». 18.15 — Кинокўрсатув. 18.45 — Кинопрограмма. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Учинчи қўнғироқдан сўнг». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.10 — «Иброҳим Мўминов». Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

9 ОКТЯБРЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Мультфильм. 10.15 — «Қуёш ҳаммага бирдек нур сочади». Бадиий фильм. 11.10 — «Ҳайвонот оламида». 14.40 — «Меҳнатинг — иқболинг». 15.30 — «Онамларнинг мактаби». 16.00 — Ўсмирлар учун музикали кечалар. 17.45 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.05 — «Бобров иши». Спектакль. 21.30 — «Вақт». 22.00— Спорт программаси. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.50—Болалар учун фильмлар. 18.15 — Болалар учун кўрсатув. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Ахборот». 19.15 — «Ганг узра тонг» Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Тошкентда ўтказиладиган Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқаро учрашувига. 21.30 — «Вақт». 22.00 — «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 — «Ганг узра тонг». Бадиий фильм, 2-серия. 23.20 — Аёллар командалари ўртасида чим хоккей бўйича Бутуниттифоқ биринчилиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Самолётлар қўна олмади». Бадиий фильм. 20.30 — Музикали телефильм. 20.55 — Янгиликлар. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

Радио

8 ОКТЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ю. Ражабий асарларидан концерт. 9.15 — «Табассум». 10.30 — «Пахтакор монологи». 11.15 — Москва. «С добрим утром!» 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Чорвадорларнинг меҳнат зафарлари». 13.30 — Концерт. 14.00—«Бунёдкорлар байрами». 15.00 — «Мактаб ва ҳаёт». 15.40 — «Гулсара» (опера). 17.45—«Деҳқонга таъзим». Вокал сюита. 18.15 — «Ёшлик». 19.00—Москва. «Халқаро шарҳловчилар даврасида». 19.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 20.25—Қишлоқ бадиий ҳаваскорлари ижро этадилар. 21.00 — «Табассум». 22.28 — Қишлоқ радиоклуби. 23.15 — Концерт.

9 ОКТЯБРЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Яхши кайфият». 9.15 — «Ленинча радиолекторий». 9.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 11.15 — «Полимер ва қурилиш» (суҳбат). 11.30 — Ёшлик қўшиқлари. 12.00 — «Узбекистан индустриальний». 13.00 — «Маҳсулдорлик манбалари». 13.30 — Чолғу куйлари. 14.00 — «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». 16.10— Най наволари. 18.15 — «Иқтисодий билимлар радиоуниверситети». 18.30 — Москва. «Инсон ва қонун». 19.40 — «Шу ҳафтанинг энг муҳим сиёсий воқеалари». 19.50 — Ўзбек балетларидан рақс куйлари. 20.25 — Арманистон куйлари. 21.00 — Концерт. 21.30 — «Ёзувчилар пахта далаларида». 22.28 — З. Обидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП. Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42. Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02769. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 231.